БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 28 (17.608). • 3 февраль 1980 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

110 йил

ЛЕНИНЧА МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

ХАЛҚ ТАШАББУСИ

Меҳнаткашлар ҳокимият ерганларидаги мухтор вакилларига наказлари орқали ўз хоҳиш-иродалари, талаб ва эҳтиёжлари, орзу-умидларини, аҳоли маълум қисмининг ёки бутун жамиятнинг у ёки бу манфаатини ифодалайдилар. Шу тариқа улар давлатни бошқариш ишларида иштирок этадилар.

Наказларни амалга ошириш экономикани янада ривожлантириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, меҳнат ва хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланишга, КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ҳамда ўнинчи беш йиллик планларини бажаришга катта ёрдам беряпти. Ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий қурилишни, коммунал хўжалигини тараққий эттиришга, соғлиқни сақлаш, халқ маорифини, савдони ривожлантиришга, меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилашга, аҳоли талабларини янада тўлароқ қондиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Сайловчилар наказлари асосида республикамизда кўплаб медицина ва болалар муассасалари, савдо корхоналари, клублар, кинотеатрлар қурилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, транспорт ва алоқа хизмати яхшиланяпти.

Сайловчилар наказларига доир масалалар Советларнинг сессияларида, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари мажлисларида, министрликлар ҳамда идораларнинг коллегияларида кўрилмоқда. Наказлар юзасидан махсус тадбирлар ишлаб чиқишда ва уларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Кўпгина министрлик ва идораларда сайловчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари йиллик иқтисодий ва социал ривожланиш планларида ҳамда бюджетда ўз ифодасини топаётир.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети меҳнаткашлар наказларини амалга оширишда бой тажриба тўплаган. Ижрокомда наказлар халқ хўжалигининг тармоқлари бўйича группаларга ажратилади. Уларнинг бажарилиши доимо назорат қилиб борилади. Депутатларга ва доимий комиссияларга актив ёрдам кўрсатилади.

Наманган область Совети ҳам наказларни амалга оширишда яхши натижаларга эришмоқда. Наказларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалаларни область Совети ижроия комитети раиси ўринбосарининг раҳбарлигида бўлим ва бошқармалар, ташкилотлар ва наказларни бажариш учун масъул депутатлар иштирокида муҳокама қилиш иш услубига айланган. Бу эса ижроком бўлимлари ва бошқармаларининг шу соҳадаги фаолиятининг жонланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Наказлар ишлаб чиқариш планларига киритилмоқда. Депутатлар билан алоқа кенгаймоқда.

Советларнинг қуйи звенолари депутатларнинг иши ҳам мақтовга лойиқ. Ўйғур қишлоқ Совети депутатларининг аралашуви туфайли қишлоқдаги медпункт ремонт қилинди, болалар кутубхонаси биноси қурилди. Кўчалар тартибга келтирилди. Бешинчи микрорайонда эса таксофон ўрнатилди. Шимолий Фарғона канали кўприги тузатилди. Янги 3-микрорайонга автобус маршрути очилди.

Фарғона область ижроия комитети ҳам сайловчилар наказларини ҳаётга татбиқ этишда маълум натижаларга эришмоқда. Область маҳаллий Советлари депутатларига тушган наказларнинг 80 проценти бажарилиб бўлди. Бу ишларга кетган маблағ 120 миллион сўмни ташкил этди. Область маҳаллий Советлари томонидан наказларни бажариш учун моддий ресурслари ажратиб тошиш юзасидан зарур чоралар кўриляпти. Ижрокомлар, корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг фаолиятини контрол қилишнинг таъсирли формаси бўлган депутатлар сўровидан кенг фойдаланилмоқда. Фарғона шаҳрида наказлар асосида 1176 ўқувчига мўлжалланган мактаб, туристик база, тўғруқхона барпо этилди ва бошқа социал-маданий мақсадлардаги объектлар қурилмоқда. Қўқон шаҳрида эса иккита 420 ўринли мактабгача болалар муассасаси, 3180 ўринга эга бўлган бешта мактаб, сабзавот ва мебель магазинлари, «Китоблар уйи», «Маиший хизмат уйи» қурилди. Қўқон темир йўл станцияси, вокзал майдони ободонлаштирилди.

Халқ фаровонлиги ошаётганлиги, экономика ва маданият тез суръатлар билан тараққий этаётганлиги туфайли наказларнинг моҳияти ҳам тубдан ўзгармоқда. Сайловчилар ўз наказларида кўпроқ умумдавлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни кўтармоқдалар. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишга эътиборни қаратмоқдалар.

Шунга қарамасдан, бу муҳим ишда айрим нуқсонлар мавжуд. Баъзи министрлик ва идораларда сайловчилар таклиф ва илтимосларининг бажарилишини назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаган. Хўжалик ва социал-маданий қурилиш планларини ишлаб чиқишда ҳамда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш режаларини тузишда сайловчилар наказлари ҳар доим ҳам ҳисобга олинмайди. Наказларнинг бажарилишини ҳисобга олиш ва наказлар юзасидан ҳисоботларга етарли эътибор берилмаётир. Кўпчилик министрлик ва идоралар наказларни бажаришда маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари билан яхши алоқа ўрнатмаганлар, наказларни бажариш юзасидан кўрилаётган чоралар тўғрисида депутатларни хабардор қилмайдилар. Баъзан уларни кўриб чиқиш ва бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқишда шошма-шошарликка йўл қўйилмоқда.

Сайловчиларнинг наказларини амалга ошириш, бу иши СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституцияси талабларига, СССР Олий Совети Президиумининг Белоруссия ССР халқ депутатлари Советларининг иш тажрибаси тўғрисидаги қарорига ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Наказларда меҳнат аҳлининг ўз давлатининг ишлари ҳақидаги, ижтимоий манфаатлар тўғрисидаги ташвиши ифодаланган. Шу сабабли ҳам биз бу халқ ташаббуси заррачасини унутишга ҳаққимиз йўқ», деб айтган гапларига мувофиқ ташкил этиш республика министрликлари, идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари, барча совет, хўжалик ташкилотларининг асосий вазифасидир.

Бу йилги сайлов кампанияси КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва СССР Олий Совети сессияси қарорларидан руҳланган совет кишиларининг меҳнат ғайрати, ижодий активлиги ниҳоятда ошган, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига тайёргарлик авж олган бир пайтга тўғри келди. Мамлакатимизда сайловларга тайёргарликнинг янги даври бошланди. Сайловчиларнинг депутатликка номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини яхшилашга, баъзи маҳаллий органлар, корхона ва муассасалар фаолиятида йўл қўйилаётган камчиликларни тугатишга қаратилган қимматли фикрлар айтмоқдалар.

Депутатларга берилган наказларнинг ижроси ҳақида кенг фикрлашиб олиш, бўлажак депутатларга бериладиган наказларни аниқ, пухта ва тўла ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки халқ ташаббусининг акс садоси бўлган сайловчилар накази тўла амалга оширилишини таъминлаш депутатларнигина эмас, балки маҳаллий партия, совет, хўжалик органларининг ҳам муҳим вазифасидир.

19 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ЗАРБДОРЧАСИГА

Москваликларнинг В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини зарбдор меҳнат билан нишонлаш тўғрисидаги ташаббусини Урганч пиллакашлик фабрикасида ипакчилар социалистик мусобақасининг пешқадамлари биринчи бўлиб қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Булар орасида Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод Марям Исмоилова, область Советининг депутати Бекпошша Бобожонова, Шакар Шарипова, Тамара Маҳмудова, Саодат Ҳасановалар бор. Улар 19 апрелда шахсий беш йиллик топшириқларини бажаришга қарор қилдилар. Аҳмаджон Худойберганов, Аҳмад Шокиров, Бекберган Қурбонов, Сафарбой Нурметсварнинг комсомол-ёшлар бригадалари ленинча вахтада турибтўрт ойлик планни муддатидан илгари бажаришни мўлжаллаб қўйдилар. Бунинг учун ишлаб чиқариш илғорлари хизмат зонасини кенгайтирмоқдалар, иш вақтини тиғизлаштирмоқдалар. Шанбалик штаби ҳар бир иш ўрнидаги резервлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш чораларини белгиламоқда.

МЕҲНАТ БАЙРАМИГА

Қарши пахта тозалаш заводидан Ғайрат Ҳамтовнинг коммунистик меҳнат бригадаси «Қизил шанбалик» куни бир ярим норма бажаришга қарор қилди. Бинобарин коллектив 19 апрелда 26 тонна ўрнига 40 тонна пахта тойлайди. Корхоналарда илғорларнинг ташаббуслари қизғин қўллаб-қувватланди. Меҳнат байрамида ҳамма ишчилар ва хизматчилар қатнашадилар. Улар 90 тонна — одатдаги кунлардагидан анча кўп пахта тойлайдилар.

КЕНГ ҚЎЛАМДА

Бухородаги 2524-автоколонна қайдовчилари 19 апрель кунидаги шанбаликда 6 минг тоннадан кўп — нормадан минг тонна зиёд юк ташиш мажбуриятини олдилар. Илғор ҳайдовчилардан Ёр Ҳамдамов, Сайфи Ибодов, Раҳмон Яхшиев машиналарини техалган ёнилғи билан ҳайдайдилар. Тельман номли трикотаж фабрикасининг ходимлари ҳам меҳнат байрами кунида юксак марраларни мўлжаллаб қўйдилар. Комплектловчи Саломат Мўминова коммунистик шанбалик кунигача трикотаж кийим-кечак тикиш учун беш йиллик топшириқдан ташқари 96 минтга ярим фабрикат тайёрлашга қарор қилди.

(ЎзТАГ).

А. А. ГРОМИКОНИНГ ҲИНДИСТОНГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Ҳиндистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан февраль ойининг ўрталарида расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга боради.

Чорвадорлар рапорти

КИТОБ. Райондаги Свердлов номли колхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш ярим йиллик планини муддатидан олдин ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 500 центнер бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 220 центнер кўпдир.

Катта меҳнат ютуғида хўжаликнинг Мустафо Раҳмонов мудирлик қилаётган бўрдоқичилик фермаси коллективи муносиб улуш қўшди. Фермада гўштга топширилган ҳар бош қорамолнинг ўртача тирик вазни 420—450 килограммни ташкил этмоқда.

Колхоз чорвадорлари давлатга гўшт топшириш бўйича зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги нишонланадиган кунгача бажариш учун ғайратга ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

* * *

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари гўшт сотиш биринчи квартал планини бажардилар. Қабул пунктларига 180 центнер гўшт етказиб берилди. Гўштга топширилган ҳар бош қорамол 430 килограмм тош босди.

Самарқанд область Қўшработ районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг азамат чорвадорлари қишловни муваффақиятли ўтказиш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Суратда: хўжаликнинг биринчи бўлими бош чўпони Ҳамид Аҳмедов. У ўз қарамоғидаги ҳар 100 бош совликдан 125 тадан кўзи олишга сўз берган.

А. Тўраев фотолари.

ЮКСАК МАРРАЛАР

АКАДЕМИК Р. Р. ШРЕДЕР НОМЛИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 1980 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Академик Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи партия XXV съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини бажара бориб, ўзига қарашли корхоналарда ўзининг ички резервларини сафарбар қилиб ва илмий тадқиқотларни, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириб, 1979 йил топшириғини муваффақиятли уддалади, кўпгина кўрсаткичлар бўйича ўнинчи беш йилликка белгиланган планларни ошириб адо этди.

Мевали, манзарали дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари тайёрлаш беш йиллик плани тўрт йилда 149 процент, мева ва узум етиштириш 111 процент бажарилди.

Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўз реал имкониятлари ва резервларини ўрганиб чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини бажариш учун курашда куч-ғайратини кўпайтира бориб, 1980 йил учун ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятларини ошириб, ишлаб чиқаришнинг энг муҳим талабларига тобора яқинлаштириш юзасидан янада самарали тадбирлар амалга оширилади.

Мева ва узум етиштириш технологиясини такомиллаштиришнинг олтита асосий проблемаси юзасидан илмий-техникавий ечимлар юксак сифатли қилиб муддатидан илгари тугалланади.

Ҳар бир илмий ходимнинг фан ютуқларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, уларнинг тавсияларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун, ўз илмий ечимларини ишлаб чиқариш-иқтисодий кўрсаткичлари оширилади. 1980 йилда пландаги 28817 тун ўрнига 31106 минг тун мева, субтропик, манзарали дарахт кўчатлари ва ток қаламчалари етиштирилади. Пландаги 53884 центнер ўрнига 54424 центнер писта, ёнғоқ ҳамда данакли ва субтропик мевалар, пландаги 42224 центнер ўрнига 52666 центнер узум олинади.

Кўчат таннархини ўрта ҳисобда 2 процент арзонлаштиришга эришилади, хўжаликларнинг рентабеллик даражаси ўрта ҳисобда 5 процент оширилади. Меҳнат унумдорлиги 5—6 процент ўстирилади ва фойда олиш плани 12 процент ошириб бажарилади.

Коллектив меҳнат интизоми ва активлигини ошира бориб, бўлимлар, бригадалар, цехлар ва бошқа бўлинмаларда социалистик мусобақани ривожлантириб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини ленинча зарбдор иш йилига айлантиришга қарор қилинди.

Мажбурият Р. Р. Шредер номли илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг умумий мажлисида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ БЕКОБОД ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1980 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бекобод ўрмон хўжалигининг коллективи КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили ва тўрт йили учун белгиланган асосий план топшириқларини ҳамда мажбуриятларни муваффақиятли бажарди.

Ўрмон хўжалигининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленумининг қарорларини бажариш учун авж олиб кетган курашга бажонидил қўшилиб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга ва ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилини зарбдорларча ишлаш, ленинчасига ишлаш йилига айлантиришга интилиб, 1980 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Давлат ўрмон фонди ерларининг пландаги 40 гектар ўрнига 50 гектар майдонига ўрмон дарахтлари кўчатлари ўтказилади, пландаги 170 ўрнига 300 кубометр ёғоч олинади, колхоз ва совхозларнинг пландаги 50 ўрнига 100 гектар ерида иҳота дарахтзорлари барпо этилади, пландаги 2 тонна ўрнига 3,5 тонна товар асал етиштирилади.

Ёғоч чиқитларидан пландаги 110 минг сўмлик ўрнига 150 минг сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилиниши таъминланади, пландан ташқари 50 минг сўмлик маданий-маиший моллар ишлаб чиқарилади.

Қимматли ўрмон дарахтларни ва манзарали дарахтларнинг уруғлари пландаги 2,1 тонна ўрнига 4,5 тонна миқдорида биринчи класс сифати билан тайёрланади, витамин саноати учун пландаги 3,5 тонна ўрнига 10 тонна наъматак ва бошқа қимматли хом ашё тайёрланади, давлатга 3 тонна қуён гўшти, пландаги 1000 та ўрнига 1500 та қуён териси топширилади. Тол новдасидан маҳсулотнинг янги икки турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Машина ва тракторлардан гоят унумли фойдаланилади, ерни тайёрлаш ва кўчат ўтказиш ишлари тўла-тўкис механизациялаштирилади. 4,5 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари ва 10 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади.

Социалистик мажбуриятлар Бекобод ўрмон хўжалиги коллективининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

СЎНГГИ СОАТДА

САВДО-СОТИҚ ИШЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Дўстлик, ўртоқларча ҳамжиҳатлик ва амалий ҳамкорлик вазиятида муваффақиятли ўтган музокаралар натижасида СССР билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида 1980 йилги товар обороти тўғрисида 1 февралда Москвада протокол имзоланди.

Протоколда ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирига етказиб берадиган товарлари ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан 1,7 баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Совет Иттифоқи Афғонистон Демократик Республикасига машина ва асбоб-ускуналар, нефть маҳсулотлари, қора металл, цемент, ўғит, автомобиль машиналари, маданий-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар юборади.

АДРдан СССРга табиий газ, пахта, карбамид, жун, чарм хом ашёси, хўл ва қуруқ мева, ёнғоқ, гилам ва бошқа товарлар юбориш кўзда тутилади.

Протоколнинг имзоланиши ҳар иккала мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам беради.

Протоколни СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва АДР савдо министри М. Х. Жалалар имзоладилар.

(ТАСС).

ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ КЕНГАШИГА АЪЗО БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР УЧУН

ПРАГА, 2 февраль. (ТАСС). Бу йил машҳур «Татра» автомобиль заводи 13,5 минутга тез юрар юк автомобиллари ишлаб чиқаради. Самосваллар ва тиркаладнган машиналар илгаригидек СССРга ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатларга юборилади.

Ҳозирги вақтда «Татра» коллективи «Т-815» юк автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бу моделларда ҳозирги замон автомобилсозлигининг энг янги ютуқлари назарда тутилган. Янги автомобиль 1982 йилдан бошлаб кўплаб ишлаб чиқарилади.

ЯНА БИР МОЖАРО

ВАШИНГТОН, 2 февраль. (ТАСС мухбири). Бу ерда келиб чиққан можаро Оқ уйнинг очиқдан-очиқ саросимага тушишига ва асабийлашишига сабаб бўлди.

Қоғоз пуллар операциясини назорат қилувчи комиссиянинг АҚШ округ судига қилган даъвосидан маълум бўлишича, мамлакатнинг ҳозирги молия министри У. Миллер ажнабий расмий кишиларни сотиб олиш мақсадида кўп йиллардан бери қаллобликда қатнашиб келган. Яқин вақтларгача раҳбарлардан бири давозимини У. Миллер адо этиб келган «Текстрон» корпорацияси ва унинг «Белл геликоптер» филиали учун фойдали бўлган шартномалар тузиш мақсадида 1971 йилдан бошлаб етти йил ичида 5,4 миллион доллар миқдорида пора берилган. Пентагоннинг мана шу улгуржи маҳсулот етказиб берувчи «мижозлари» орасида бирлашган араб амирликларининг, Индонезия, Колумбия, Доминикана Республикаси, Марокашнинг, Африка ва Яқин Шарқдаги бошқа бир қанча мамлакатларнинг ҳукумат арбоблари бор. Лекин ҳаммадан кўра кўпроқ порани ағдарилган Эрон шоҳининг сарой амалдорлари олишган.

«Текстрон» компанияси Қўшма Штатларнинг ўзида қилган ишлари ҳам озмунча эмас. Пентагон олий амалдорларининг айш-ишрати учун ёки уларга тўғридан-тўғри пора бериш учун ҳам юз мингдаб доллар сарфланган.

ХИТОЙ ПОКИСТОННИ ҚУРОЛЛАНТИРМОҚДА

ДЕҲЛИ, 2 февраль. (ТАСС). «Таймс оф Индиа» газетаси бундай деб ёзади: разведка доиралариданолинган маълумотларга қараганда, хитойлар Қорақурум тоғ йўли орқали Покистонга жуда кўп миқдорда ҳарбий техника юбормоқда. Қурол-яроғ юбориш январь ойи бошларидан бери анча кўпайтирилди.

Мазкур доиралардан хабар беришларича, Покистонга шунингдек, Вашингтон билан Исломобод ўртасидаги маҳфий ахдлашув асосида бўлса керак, Американинг ҳарбий бўлимлари ҳам келмоқда. Покистон Қўшма Штатларга ҳарбий базалар беришга рози бўлган, деб мўлжалламоқдалар. Америка қўшинлари ёлланган афғонларни ўқитиш учун юборилганми, ёки бошқа бирон мақсад учун юборилганми, бу ҳозирча аниқ эмас. Хитой маслаҳатчилари ва инструкторлари Покистон лагерларида ёлланган афғонларни кўпдан бери ўқитиб келмоқдалар. Разведка доиларининг маълумотларига кўра, хитойлар Покистонга шу қадар кўп ҳарбий техника юборганларки, бу барча ёлланганларни қуроллантиргандан кейин ҳам анчагина ортиб қолади.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Республикада Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари давом этмоқда.

17-Високовольтний сайлов округининг сайловчилари Тошкент грампластинка заводининг слесари **Муҳтабар Азимова** билан учрашдилар.

62-Шахтёр сайлов округи сайловчиларининг Ангрен «Резинотехника» заводи машинисти **Виктор Михайлович Корниенко** билан учрашуви бўлиб ўтди.

216-Мирзачўл сайлов округининг сайловчилари Жиззах областидаги «Ўзбекистон» совхозининг директори **Инобат Охунова** билан учрашдилар.

Андижон областидаги «Партия XX съезди» совхозининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Маннон Жалолов** 135-Бўз сайлов округининг сайловчилари билан учрашди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИ МАРРАЛАР САРИ

БУХОРО, 2 февраль. (ЎзТАГ). Бугун область қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойида колхоз ва совхозларнинг ўтган йилги иш якунлари, уларнинг КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида 1980 йилги вазифалари муҳокама этилди. Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари А. К. Каримов доклад қилди.

Қурултой қатнашчилари қишлоқ меҳнаткашлари беш йиллигининг якунловчи йилини янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга азму-қарор қилганликлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўришга, илғор тажрибани кенг жорий этишга кўп эътибор берилди. Қурултойда Бухоро қишлоқ меҳнаткашлари билан мусобақалашиб келаётган Самарқанд ва Чоржўй областларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қурултойда 1980 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди.

КАДРЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон Олий Советлари Президиумларининг, Министрлар Советларининг ва область ижроия комитетларининг масъул ходимлари, шунингдек мазкур республикалар район ижроия комитетлари раисларининг қишлоқ хўжалиги масалалари билан шуғулланувчи ўринбосарлари партия ва совет ходимларининг малакасини ошириш республикалараро курсларидаги машғулотларини тугалладилар. Ушбу бир ой мобайнида коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг, партия ҳозирги босқичдаги иқтисодий стратегиясининг актуал проблемаларига, совет қурилишининг, КПСС ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим масалаларига доир лекцияларни тингладилар.

Тингловчилар иш тажрибасини ўртоқлашдилар, Тошкент областининг бир қанча хўжаликлари ва илмий-тадқиқот муассасаларини бориб кўрдилар.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КОММУНИСТ МАСЪУЛИЯТИ

ЧОРВАЧИЛИККА РАҲБАРЛИК ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

Бепоён яйловларда, сут-товар фермаларида чорва туёғини кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун зўр қатъиятлик, тадбиркорлик билан иш олиб борилаётир. Наманган райнидаги «Ленинград» колхози чорвадорларининг ғайрат-ташаббуси бунинг ёрқин далилидир.

Колхоз партия комитетининг секретари Илёс Жўраев сут-товар фермасига тонг саҳарда етиб келди. Илғор соғувчи Фазилат Сиддиқова ўнга пешвоз чиқди.

— Ҳорманг, қизим. Қайфиятлар қандай?

— Жуда яхши, Илёс Жўраевич. Лекин келганингиз яхши бўлибди-да...

Фазилат апил-тапил халатини кийди-ю, ишга тушди. У софдил, ҳалол, ферма иши учун ташаббускор, ишчан ва дилкаш коммунист. Ўтган хўжалик йилида ўзига бириктирилган сигирларнинг ҳар бошидан 4500 килограммдан сут соғиб олди.

Партком секретари ана шулар ҳақида ўйлади. Сут-товар фермаси бошлаётган партия ташкилоти секретари Болтабой Дадамирзаев хонасига кирди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Папкаларда партия йиғилишида қабул қилинган қарор ва протоколлар. Деворларда республикамиз доғдор чорвадорлари Анастасия Чуднал, Мунаввар Исоқоваларнинг меҳнат фаолиятидан ҳикоя қилувчи плакатлар, ферма коммунистларининг сон ва сифат состави, уларнинг меҳнат кўрсаткичлари. Илёс Жўраев ҳузурига Болтабой кириб келди. У ўзи билан икки овсин — Азиза ва Тамила Кенжаеваларни ҳам бошлаб келганди. Ҳиёл ўтмай Фазилат Сиддиқова ва бошқалар кириб келишди.

Суҳбат қизиқарли, ишчанлик руҳида ўтди. Партком секретари коммунист-соғувчилар билан дилдан, самимий гаплашди. Суҳбат чўғида улар чорва қишлови учун белгиланган тадбирлар муваффақиятли амалга оширилаётгани, ҳар қайси коммунист партиявий бурчини сидқидилдан бажараётганлиги, қоғозий-сиёсий ишлар, сайловолди социалистик мусобақаси бераётган самараларга тўхталдилар. Сут-товар формасида меҳнат қилаётган 19 КПСС аъзоси, 30 га яқин ВЛКСМ аъзоси доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига зиммаларига конкрет мажбуриятлар қабул қилганлиги таъкидланди.

Коммунист — чорвадорлар ем-хашақдан тежаб-тергаб фойдаланиш, ҳар бош молнинг қишдан семиз ва соғлом олиб чиқилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатганлар. Чорва моллари маҳсулдорлигини қиш ойларида ҳам камайтирмасдан, аксинча ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кўпайтириш учун коммунистлар масъул қилиб қўйилган. Бу соҳада молбоқарлар зиммасига, айниқса, юксак вазифалар юклатилган. Турсунбой Раҳимов, Маматхон Қосимов, Садри Кенжаев каби ишчиларимон молбоқарларнинг тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Ем-хашакни ташиш, охурларга пешма-пеш етказиб беришда Нормирза Сиддиқов, Қаюмжон Каримовларнинг тадбиркорлиги бутун фермада тилдан-тилга ўтаётир.

Партком секретари ферма коммунистлари билан маслаҳатлашиб, қишловни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда моллар маҳсулдорлигини ошириш учун эрта ҳаммаларнинг мулкига айлантиришга катта эътибор бериб келмоқда. Хўжалигимизнинг қайси бир бригадаси, фермаси, устахонаси ёки даласида бўлманг, коммунистларнинг қайноқ меҳнати, жўш уриб турган ташаббусларининг шоҳиди бўласиз. Бунга биз социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариш, илғорларни рағбатлантириш билан эришмоқдамиз...

Илғор соғувчиларнинг омилкорлиги туфайли ҳар бош сигирдан кунига 12—15 килограммдан, ва қатто, ундан ҳам ошириб серқаймоқ сут соғиб олинаётир. Қиш фаслида сигирлар қаровини яхшилаш, рацион асосида озиқлантириш, парваришини кучайтириш натижасида ана шундай ютуқларга эришилмоқда.

Ферма коммунистлари ёз ойларида жамғариб қўйилган дағал хашак, ширали силос, сенаж ва бошқа витаминли озуқалардан самарали фойдаланмоқдалар. Ҳар бир партия аъзоси, комсомол-ёшнинг бурчи, зиммасига олган мажбурияти аниқ белгилаб қўйилган. Биноларнинг сифатли ремонт қилинганги ва асосий ишлар механизация гарданига юклатилгани қишловни намунали ўтказишга имкон бераётир.

Қишловни янада уюшқоқлик билан якунлаш, чорва маҳсулотларини тағин ҳам кўпайтириш йўлида барча резервлар ҳали ишга тушмаганлиги, деб бўлмайди. Коммунистларнинг таъкидлашича, бу ерга келтирилган «ОГМ-0,8» агрегатини монтаж қилиш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Сут-товар фермаси бундан ўн йил муқаддам тўла механизациялашган эди. Бироқ, ўтган давр мобайнида баъзи соғиш агрегатлари, ўлчов-синов аппаратлари эскириб қолди. «Госкомсельхозтехника» область бирлашмаси бу соҳада хўжалик чорвадорларига етарли ёрдам кўрсатмаётир.

Чорвадорлик — баҳодирлик, дейди халқимиз. Қишловни тўқ, иссиқ, бенуқсон ўтказамиз! Хўжалик коммунистларининг жанговар шиори ана шундай.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

---

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

ЮКСАК ИШОНЧ

«Амударё» колхозининг доғдор далакчиси Қувондиқ Исмонлов номи Мўйноқ районидан ташқарида ҳам маълум. Меҳнатсевар балиқчи ўнинчи беш йиллик мобайнида икки беш йиллик балиқ овлаш планини бажаришга қарор қилди. Унинг бу ватанпарварлик ташаббуси Мўйноқ район партия комитетида маъқулланди.

Балиқ овлаш сирларини яхши ўзлаштирган Қувондиқ Исмонлов ўз ваъдасининг устидан чиқди. 615 центнер ўрнига 1500 центнердан кўпроқ балиқ овлаб, ажойиб ғалабага эришди. Ўнинчи беш йилликнинг зарбдор йили — 1979 йилда социалистик мусобақа ғолиби бўлди. 142 центнер ўрнига 488 центнер балиқ овлаб йиллик балиқ овлаш планини 343 процент адо этди. Хўжаликда унинг издошлари кўпаймоқда. «Амударё» колхози балиқчилари 21 минг 200 центнер ўрнига 21 минг 628 центнер балиқ овладилар.

Шу кунларда колхознинг азамат балиқчилари 1980 йилнинг иккинчи кварталининг ҳисобига балиқ овлаб топшириб қўядилар. Қувондиқ Исмонлов эса 1986 йил ҳисобига балиқ овлаяпти. У жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Қувондиқ Исмонлов район партия комитети аъзоси, район Совети депутати. Район комсомол комитети бюроси аъзоси. Яқинда ишлаб чиқариш зарбдори, актив жамоатчи Қ. Исмонловга юксак ишонч билдирилди. Уни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БРИГАДИР

Ҳасан Мухторов тўғрисида дўстлари «Балли, отасига раҳмат, бир киши ишласа, шунча ишлайди-да» дейдилар. Чунки у эсини таниб-дики, меҳнатни билади, пахтани билади.

Механизаторлик касбида 20 йилдан ортиқроқ меҳнат қилди. Чигит экишда қатнашди, ғўза культивациясида тинниб-тинчимади, ер ҳайдашда илғорлардан бўлди, сўнгги йилларда машина ёрдамида пахта терди.

Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг Боболочин участкаси ўзлаштирилишида биринчи бўлиб чўлга отланган ҳам Ҳасан Мухторов бўлди. Унинг меҳнатсеварлигини ва бошлаган ишини охирига етказиш учун қатъият билан туришини эътиборга олиб, колхозчилар бригадирликка сайладилар. Мана, 16 йилдирки, Ҳасан Мухторов бригада бошлиғи. Сўнгги ўн йилдан буён бу бригада ҳар гектар майдондан 55—60 центнердан ва ундан ҳам ортиқ ҳосил кўтармоқда. 1978 йилда ҳосилдорлик 62 центнерданга етди. Ўнинчи беш йиллиқнинг тўртинчи йилида эса 92 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига 65 центнердан ингичка толали пахта хирмони кўтарилди.

Боболочин округи сайловчилари Ҳасан Мухторовни Қумқўрғон район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

М. БЎТАЕВ.

БРИГАДА ПУДРАТИ—ҚУРИЛИШ ҚУДРАТИ

КОЛЛЕКТИВ МУЛКИ

Бу йил москвалик қурувчи Н. А. Злобининг «Зеленоградстрой» бошқармаси маъмурияти билан капитал қурилиш тарихида биринчи бўлиб, пудрат асосида ишлаш учун шарт-номага имзо чекканига ўн йил тўлади. У раҳбарлик қилаётган бригада коллективи ўтган давр мобайнида 25 та бинони тиклаб, уларни қуришга кетадиган вақтни 1600 кунга, тежамкорлик эса 267 минг сўмга қисқартирди.

Хўш, ўтган ўн йиллик тажрибадан қандай хулоса чиқариш мумкин? Бригада пудратининг истиқболи қандай? Энг яхши, энг қулай, энг манфаатли ва самаралн усул деб таи олинган злобинча методни кенг оммалаштиришга нималар тўсқинлик қилмоқда! «Совет Ўзбекистони» газетаси редакциясининг топшириғига биноан «Строительная газета» мухбири С. Волков Н. А. Злобин билан суҳбатлашди.

— Николай Анатольевич, қурилишда бригада пудрати усулини қўлланиш Сизнинг ҳаётингизда қандай из қолдирди?

Мақтаниш эмас-у менинг қурилишдаги бутун ҳаётим бригада пудрати билан боғланган. Бошимдан кечирган барча шод-ҳуррамликлар ҳам, ташвиш ва аламлар ҳам мана шу бригада пудрати туфайлидир.

— Қайси бири кўпроқ?

— Агар кейинги ўн йиллики олганда иккаловининг теппа-тенгдир. Эҳтимол, сўнгги йилларда ташвиш камайган бўлса-да, бироқ улар анча мураккаблашиб кетди.

Биз биринчи марта пудрат усулида 14 қаватли уйжой биносини қурганимиз эдик. Ҳозир эса 22 қаватли уйжой биносини қурмоқдамиз. Илгари бригадамизда 47 киши бор эди. Ҳозир эса 64 кишимиз. Ишчиларнинг ҳаммаси курсларда ёки бригаданинг ўзида мураббийлар қўлида ўқиб, бир неча касб эгаси бўлишган. Қисқача айтганда, энг тажрибали ўртоқларимиз — мураббийлар коллектив ўзагини ташкил қилади.

— Бу қонуний ҳол. Шу билан бирга гоҳ-гоҳ, Н. Злобин бригадасининг таъминоти ҳам, планлаштириш ҳам бошқаларникидан яхши, бригада ана шу ўн йилнинг ҳаммасида қариб битта қурилиш майдончасида ишлаяпти, шундай экан уларга тенглашиб бўларканми, деган ўзунқулоқ гапларни эшитиш мумкин.

— Тўғри, гарчи таъминотда онда-сонда узилиш бўлиб турса-да, бизда аҳвол ёмон эмас.

— Сиз етакчилик қилаётган бригада мана, бир неча йилдирки, бошқалар учун ибрат, намунадир. Ўн йил ичида миллаб қурувчилар ҳузурингизда бўлишди. Кўпгина хўжалик ходимлари, олимлар, мутахассисларнинг капитал қурилишда сизникига ўхшаш намуна оладиган эталон бўлишма ташкил қилиш ҳақидаги фикрларига қандай қарайсиз?

— Амалий таклиф. Бу бутун мамлакат бўйлаб бригада пудратини ўргатувчи кенг тармоқли таълимни ташкил этишни билдирган бўлур эди. Ана шундай жойларда меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг анча такомиллашган усул ва шаклларини текшириш имконияти туғилган, ишни яхшилаш учун резервлардан самарали фойдаланилган бўлур эди.

— Фикрингизни аниқроқ тушунтирсангиз?

Энг аввало, планлаштириш ҳақида. Хўш, бизда у қайси аҳволда? Афсуски, бирон-бир муаммо тугилса, ҳамма айбни давлат план комитетига агдарамиз. Уни хато қилганликда, барча воқеаларни олдиндан кўра билмасликда айблашади. Тўғри, планлаштирувчи ташкилотлар айбдан холи эмас-лар. Лекин мен шахсий тажрибамдан келиб чиқиб айтаманки, қурилиш бошқармалари ва трестларнинг хатоси ҳамда камчилиги ишимизга кўпроқ ҳалақит беряпти. Масалан, баъзан мих етмай қолади. Нима, бу майда-чуйда нарсами? Ахир михсиз уй қуриб бўлмайди-ку! Ким айбдорлигини аниқлаш учун сўраб-суриштирсангиз, мастер, участка бошлиғи, прораб, баъзан эса трест бошқарувчисининг лоқайдлиги туфайли шундай аҳвол рўй берганлиги маълум бўлади. Улар михни ё омбордан келтиришни хаёлдан кўтарган, ёхуд ўз вақтида унга буюртма бермаган ёки кераксизчи келтирган бўладилар. Охирида раҳбарларга бригада пудрати усулида ишлаш керак эмас экан-да, деган хулосага келасан. Ҳа, бригада пудрати анча серташвиш иш. Хўжалик ҳисобида ишлашнинг бу янги шакли инженерлар томонидан кўпроқ тер тўкишни, таъминотга зўр эътибор беришни талаб қилади. Аксарият ҳолда бригада пудрати инженер-техник ходимлар учун қўшимча юмуш бўлиб, уларга маънавий озиқланишдан бошқа ҳеч нима бермайди.

Қуруқ «раҳмат» билан қорин тўйдириб бўлмайди, дейишади. Бригада пудратини жорий этишга кўмаклашганликлари учун инженерлар ва техникларни рағбатлантиришга бригаданинг мукофот фондидан атиги 15 процентини ажратишга руҳсат этилган. Ўни мастерлар, прораблар, план, ишлаб чиқариш ва бошқа бўлимлар ходимлари ўртасида бўлиб кўринг-чи, қанчадан тушаркин?

Шу билан бирга раҳбарларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида ўйлаб кўрмоқ даркор. Менга айрим мутахассисларнинг пудрат шартномасини барбод қилганларга нисбатан моддий жазо қўллаш керак, деган таклифлари маъқулдир. Яна қайтараман. Бригада пудратининг суст оммалашаётганлиги ва зарур самарани бермаётганлиги учун бутун масъулиятни қурилиш ташкилотлари раҳбарлари зиммасига юклаш лозим.

— Хўжалик ҳисобидаги бу янги форма ҳаммаёқда жорий этилаётганлиги аниқ-ку! Чунончи, ўтган йили 206 минтта қурилиш-монтаж бригадасининг тахминан учдан бир қисми злобинчасига ишлади. Бу жуда катта куч! Ҳа, айттандай, мана шу рақамни қурилиш-монтаж бошқармасида бригада, трестда қурилиш бошқармаси, мамлакатнинг ҳар бир областида эса трест миқиёсида эталон бўлувчи ташкилотнм тузиш тўғрисида гап борганда кўпроқ тилга олишади.

— Сиз айтган рақамлар унчалик аниқ эмас. Хўш, трест ва бош бошқармаларда нимани ҳисобга олишади? Бригада пудрат асосида бир-икки ой ишлагач, уни ҳисоботга киритишади. Аслида эса бригада аккорд топшириқни бажарган бўлиб, қурилишни охиригача етказмайди. Пудрат усулининг энг асосий шарти — қисқа муддатда, кам маблағ сарфлаган ҳолда қурилишни тўла-тўкис тугатиш, пировард натижага эришиш шарти бажарилмай қолади. Бунда раҳбарлар, инженер-техник ходимларнинг катта айби бор. Бригада пудрати энг актив инженерлик мададисиз яшаши мумкин эмас. Шу ўринда яна бир муҳим муаммога — бошқаришда бўғинларни қисқартириш проблемасига тўхталмоқчиман. Ҳозир участка сингари бошқариш бўғинини тугатмоқдалар. Оқибатда бригада ўзининг энг яқин фаол ёрдамчиларидан маҳрум бўлиб қоляпти.

— Кечирасиз-у, бошқаришдаги айрим бўғинларни қисқартириш кўпнича ўзини оқлайди. Хусусан, Украина Саноат қурилиш министрлигига қарашли «Винницапромстрой» комбинати тажрибасини эслайлик. Бу ерда турли бўғинларни қисқартириб, бригада аъзолари сонини 60—80 кишига етказишди. Натижада комбинат дурust натижаларга эришмоқда.

— Винница қурувчилари тажрибасига ҳурматим зўр. Худди шу ерда бригада пудратини жорий этишга тўғри ёндашилган.

Мен тайёргарлик кўрилмасдан бошланган ишга қаршиман. Негаки, буйруқ чиқариб юзлаб ишчиларни битта бригадага тўплашдан, йўл-йўлакай мастер ва прорабларни озод қилишдан осон иш йўқ. Лекин бригадир бундай коллективга қандай раҳбарлик қилади? Ҳамма нарсани текшириб боришга, коллективнинг нормал иш олиб боришини таъминлашга қачон улгуради?

Уйсозлик комбинатида қурилиш потогини ташкил қилишга муваффақ бўлинганлиги учун юқоридаги тадбир ўзини оқлаяпти. Лекин умумқурилиш бригадаларида эҳтиёт бўлиш лозим. Тажриба ихтисослаштириш ва комплексликни оқилона уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатяпти.

— Николай Анатольевич, сиз нуқул тажрибага ишора қиляпсиз-у, бирон марта ҳам фанни эсга олмадингиз. Ахир олимларнинг улушисиз Злобин усули шундай кенг оммалашиши мумкинмиди?

— Мен усулни злобинчасига деб аташларидан норозиман. Хўжалик ҳисобининг бу янги формаси коллектив ютуги бўлиб, унда олимлар, иқтисодчилар ва мутахассисларининг ҳам ҳиссаси бор. Лекин мен фаннинг амалиётдан орқада қолаётганлигини ҳис қилмоқдаман. У тажрибани ўрганиб, умумлаштириб, тавсиянома ишлаб чиққунича практика илгарилаб кетмоқда. Олимларнинг тавсияномалари нари борганда бригада пудратини энди-энди ўрганаётган коллективлар учун фойдалидир. Афсуски, бундан кейин қайси йўлдан юришимиз тўғрисида тавсияномаларга эга эмасмиз.

— Истиқболда Винница қурувчиларининг тажрибаси ёки Белоруссия Саноат қурилиши министрлиги бошлаган комплекс иқтисодий эксперимент натижалари қўл келмайдими? Кейинги эксперимент Ўзбекистонда ҳам кенг ёйилганлиги, яхши натижалар бераётганлигига нима дейсиз?

— Мазкур экспериментни юқори баҳолайман. Бироқ булар бутун капитал қурилишга таалluқли йирик кўламдаги тадбирлардир. Аммо биз кичикроқ коллективлар фаолиятига яқинлашадиган бўлсак, хўжалик ҳисобидаги бригадалар эҳтиёжларига етарли аҳамият берилмаганини кўрамиз.

— Ҳа, сиз ҳақсиз.

— Сиз Ўзбекистонни тилга олиб ўтдингиз. Шунда кўз олдимга икки йил олдин ташриф буюрганим Тошкент келди. Бу меҳмондўст, ғўзал шаҳар менда кучли таассурот қолдирди. Ўзбекистон қурувчиларининг иши билан қизиқиб танишдим. Жуда қисқа муддатда Тошкент знлзиласи асоратларини тугатган, шаҳарни янада яшартирган бинокорларни ҳурмат қилмасдан бўладими?

Бироқ, мен Ўзбекистонда ҳам бошқа жойлардагидай камчиликларни учратдим. Бригада пудратини жорий қилишда қатор камчиликларга йўл қўйилган. Бу нарса КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қароридан кейин янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Қарорда тилга олинган бригада пудратини янада такомиллаштириш масаласи эндиликда давлат иқтисодий сиёсатининг бир қисмига айланди. Демак, уни жорий қилишга давлат нуқтаи назаридан ёндашиш керак.

ҚҚАССР, 30-сайлов участкаси қошидаги «Нукус» совхозтехникум биносига жойлашган агитпунктда сайловолди оммавий-сиёсий ишлар тобора авж олмоқда. Агитпункт атрофига 35 дан ортиқ агитатор уюшган. Улар сайловчилар орасида тез-тез бўлиб, турли темаларда суҳбатлар ўтказмоқдалар. Суратларда: 1. агитаторлардан З. Еденбоева, Қ. Избосканов, П. Низомиддинов ўртоқлар сайловчилар билан навбатдаги учрашувларга ҳозирлик кўрмоқдалар. 2. Студент-агитаторлардан А. Қосмагонбетова.

Р. Сандов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада медицина фанини ривожлантириш ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги хизматлари учун СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги врачлар малакасини ошириш Тошкент институти урология кафедраси мудири, медицина фанлари доктори, профессор Одил Мухторович Мухторовга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ маорифини ривожлантириш ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги хизматлари учун Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг инструктори ўртоқ Лидия Ивановна Суздальцевага Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми медицина фани соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги ва кадрлар тайёрлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент давлат медицина институти умумий хирургия кафедрасининг мудири ўртоқ Муқаддам Ашраповани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми медицина фани соҳасидаги кўп йил самарали ишлаганлиги ва кадрлар тайёрлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Тошкент давлат медицина институти госпиталь хирургияси кафедрасининг профессори ўртоқ Израиль Абрамович Рябухнини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми медицина фани соҳасида кўп йил самарали ишлаганлиги ва кадрлар тайёрлаганлиги учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон тери-венерология илмий-тадқиқот институтининг директори ўртоқ Матлабхўжа Обидовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЖОНАЖОН ВАТАН ЎЙЛАР

● **МИНСК.** Лидадаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг участкаларидан бири чиқиндиларсиз ишлай бошлади. Бу ерда токарлик автоматлари металлни кўндалангига ва узунасига прокатка қиладиган станлар билан алмаштирилди. Белоруссия ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг олимлари таклиф қилган металлни ишлаш усули юксак самара беришн кўрининб турибди ва бундай усулни мамлакатнинг 20 корхонасида жорий этишдан ҳар йили қариб 2 миллион сўм иқтисод қилиш мумкин бўлади.

● **НИЖНЕАНГАРСК** [Бурятия АССР]. Сибирь тайгасидаги ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ҳамда Катера дарёси соҳилидаги кўпгина иўллар — Бурятиянинг шимолий қисмидаги жами 40 минг гектар майдон давлат муҳофазасига олинди. Байкал-Амур магистрали қурувчиларнинг илтимосига биноан бу ерда давлат қўриқхонаси ташкил этилди. Байкал-Амур магистралининг трассаси ўтадиган республиканинг шимолидагина кейинги йилларда 4 та қўриқхона барпо этилди. Ҳозирги вақтда Бурятияда иккита заповедник ва ўнлаб қўриқхона бор.

● **КИШИНЕВ.** Молдавия пойтахтидаги юзлаб ўнинчи синф ўқувчилари мактаб жадвалида планлаштирилмаган дарсга тўпландилар. Бу дарс шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларининг аудиторияларида ва ишлаб чиқариш устахоналарида ўтказилди. Ҳунар-техника билим юртларининг педагоглари, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, ўқувчилари, Кишиневдаги корхоналарнинг етакчи мутахассислари йиғилган ва қизлар ҳузурида лекциялар ўқидилар ҳамда суҳбатлар ўтказдилар. Улар мамлакатнинг халқ хўжалигига зарур бўлган касбларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирдилар. Молдавиядаги барча юзта ҳунар-техника билим юртининг коллективлари мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказмоқдалар.

● **КУРГАН.** Курганлик мактаб ўқувчилари бугун область марказида очилган ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ўн хил ишчи касбларини эгаллаб чиқишлари мумкин. Юқори синф ўқувчиларини касб-ҳунарга ўргатувчи политехника комплексини барпо этишда саноат корхоналарининг коллективлари қатнашдилар. Улар синфхоналарни, ишлаб чиқариш участкаларини жиҳозлашда кўмак бердилар. Меҳнат тарбияси борасида катта тажрибага эга бўлган малакали усталар бўлгуси ишчи авлодга мураббийлик қиладилар.

(ТАСС).

ТИНЧЛИКСЕВАР КУЧЛАРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИНИ ҚУВВАТЛАБ

30—31 январь кунлари Москвада яқинлашиб келаётган ҳижрий XV аср шарафига ўтказилажак юбилей тантаналари муносабати билан ташкиланган СССР мусулмон ташкилотлари тайёргарлик комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Мусулмон ҳижрий йил ҳисоби билан 1400 йил шаввол ойида (1980 йилнинг сентябрида) Тошкентда: «Ҳижрий XV аср халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик асри бўлмоғи керак» деган шиор остида ўтказиладиган ислом конференциясига тайёргарликнинг борищи муҳокама қилинди.

Тайёргарлиқ комитетининг аъзолари — Ўрта Осиё ва Қозоғистон, СССРнинг Европа қисми ва Сибирь, Шимолий Кавказ ва Закавказье мусулмонларининг бошлиқлари ҳамда улар билан бирга Москвага келган бошқа диний арбоблар баёнот қабул қилиб, замонанинг энг муҳим проблемаларига бўлган муносабатларини баён этдилар.

Ҳижрий XV аср арафасида, дейилади жумладан бу ҳужжатда, дунё жиддий синовга — халқаро вазият гоятда мураккаблашганлигига дуч келди. АҚШ бошчилигидаги халқаро реакция кучлари халқаро муносабатларда кескинликни авж олдиряптилар, «совуқ уруш» замонини тиклашга ҳаракат қилмоқдалар, ислом дунёсини пароканда қилиш ва униинг бирлигини қўпоришга уринмоқдалар. Улар Европада ҳарбий имкониятларини зўрайтирмоқдалар, Африка билан Осиёда янги ҳарбий базаларни вужудга келтиряптилар, Ҳинд океанида, Форс кўрфази, Қизил денгиз ва Ўрта денгизда ҳарбий кучларини кучайтиряптилар.

Исроил сионистлари, араб миллатининг ҳоини Садат ва хитойлик гегемончилар билан иттифоқ бўлиб олган АҚШ империалистик доиралари ўзларининг сурбетларча гегемончилик режаларидан жаҳон жамоатчилигининг диққат-эътиборини чалғитиш мақсадида Эрондаги ислом инқилоби ҳамда Афғонистондаги социал-сиёсий силкиниш тезлигини бўғ-тон кампаниясини авж олдириб юборишдилар.

АҚШ раҳбарлари «ислом ва мусулмонларнинг ҳимоячилари» ридосини кийиб олиб, Совет Иттифоқи Афғонистонининг қонуний ҳукумати неча бор қилган илтимосларга мувофиқ, 1978 йилги Афғонистон — Совет шартномасига, БМТ Уставининг руҳи ва ҳарфига мувофиқ афғон халқига кўрсатган қардошларча ёрдам тезлигида шовқин-суронни авж олдиряптилар. Улар ислом мамлакатлари ўртасидаги бирдамликни барбод этиш, мусулмонлар ўртасида ҳам ҳаёсизлик ва ғаниимлик урунни сочишга уриниб, Совет Иттифоқи қўйган дўстона қадамлар моҳиятининг ўзини бузиб кўрсатмоқдалар.

Мусулмон халқларининг ҳуқуқлари тўғрисида ваҳшанос солиб, уларнинг ички ишларига қўпол суратда аралашаётган Америка империалистлари ва уларнинг гумаштаси бу халқларга ўз ҳукмини ўтказиш, Эрон ва Афғонистон халқларини яна ўзларига мазқур режимлар бўйинтирмоқ солиш пайида бўлмоқдалар. Лекин озодликка эришган Эрон ва Афғонистон халқлари шу озодликни қаттиқ туриб ҳимоя қилишга маҳкам бел боғлаганлар.

Совет Иттифоқи мусулмонлари, дейилади сўнгра баёнотда, миллий озодлик учун, империалистик агрессия ва зулмга қарши курашаётган халқлар тарафидадирлар.

Баёнот авторлари СССР мусулмон ташкилотлари номидан гапириб, Яқин Шарқда ва Жануби-Ғарбий Осиёда империализмнинг кирдикорларига қарши чиқаётган тинчликсевар кучларнинг ҳаракатларини тўлатўкис қўллаб-қувватлайдилар. Улар ислом дунёси халқларига, планетамизнинг тинчликсевар жамоатчиларига мурожаат этиб, араб халқларининг Яқин Шарқ проблемасини одилона ҳал этиш, Исроил босиб олган араб ерларини озод этиш ва фаластин араб халқининг ўз ватанида суверен давлат тузишдан иборат ҳаққоний ҳуқуқи таъминланиши учун курашини қўллаб-қувватлашни кучайтиришга даъват этадилар.

Баёнотда Эрон ва Афғонистондаги инқилобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, империализм, сионизм ва маоизмнинг шу мамлакатлардаги мусулмон халқлари ва уларнинг қонуний ҳукуматларига қарши қаратилган кирдикорларини фош этиш зарурлиги таъкидланади. Ҳужжатда планета мусулмонлари, бошқа динлардаги кишилар, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик ишини қадрлайдиган ҳамма кишилар империалистик ва гегемончи кучларнинг кескинликни юмшатиш жараёнини барбод этиш, қуролланиш пойгасини кучайтириш ва дунёни яна «совуқ уруш» замонларига қайтариш ниятларини қатъиян қоралашга даъват этилган.

СССР мусулмон ташкилотларининг вакиллари бутун дунё мусулмонларига мурожаат этиб, ҳижрий XV асрни тинчлик вазиятида кутиб, олиш ва уни халқлар ўртасида қардошларча дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик асрига айлантириш учун курашда жипслашишга даъват қиладилар.

(ТАСС).

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

ҲАР ТАРАФЛАМА ФОЙДАЛИ

Когон шаҳар савдо бўлими (Ўзбекистон ССР) ўзининг ёрдамчи хўжалигида ўн минг бош чўчқа боқмоқда. Бу ерда бир килограмм чўчқа гўшти таннархини мамлакатда энг арзон нархга туширишга эришилди. Шаҳар умумий овқатланиш корхоналарида, кулинария магазинларида аъло сифатли чўчқа гўштидан тайёрланган хилма-хил маҳсулотлар ғоят харидоргир. Қандай қилиб бундай натижаларга эришилди?

Биз ёрдамчи хўжалик ташкил этиш тўғрисидаги ниятимизни айтганимизда, айрим кишиларнинг энсаси қотиб тўғридан-тўғри: кўрпага қараб оёқ узатилса бўларди, чорвадорлар бошқа гап, савдо ходимларига ким қўйибди бундай ишни, деганлар ҳам бўлди.

Бироқ савдо ходимлари ўзларининг чорвачилик фермасини ташкил этиш иштиёқи билан ёнарди. Чунки бу иш савдо корхоналарини чўчқа гўшти билан таъминлашдан ташқари кўпгина наф келтириши ҳам кўриниб турарди. Юксак рентабелли, даромадли ишлаб чиқаришни барпо этишни ўйлардик. Экономикада, хўжалик ҳисобида кўп нарсани биладиган, кўп минглаб кишиларни гўшт билан таъминлаш муаммосига дуч келаётган мутахассис бундай даромадли соҳадан воз кечиши мумкинми?

Шундай қилиб, умумий овқатланиш корхоналарини гўшт билан мунтазам таъминлаш истиқболи ўзимизнинг ёирик чўчқачилик фермамизни барпо этиш учун дастлабки жиддий сабаб бўлди. Иккинчидан, молларни арзон, аслида ташлаб юборилиадиган озуқа билан боқиш мумкин. Ахир, биз кўп нарсада исрофгарчиликка йўл қўймоқдамиз. Шаҳарда ўнлаб умумий овқатланиш корхоналари — ошхоналар, кафе ва ресторанлар бўлиб, уларнинг ҳар қайсисида бир куннинг ўзида жуда кўп миқдорда чиқиндилар тўпланади. Биз ана шу чиқиндиларни ҳисоблаб кўриб, ўзимиз ҳайратга тушдик — бир йилда олти минг тоннадан ортиқ озиқ-овқат чиқиндиси ташлаб юборилар экан?

Бугина эмас. Когондаги сут заводи сутни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган зардоб ва бошқа маҳсулотларни реализация қилиш муаммосига тез-тез дуч келади. Қўшни Бухоро шаҳридаги қоракўлчилик заводидагилар фойдаланган, лекин ўзининг калориясини ва тўйимлилик сифатларини сақлаб қолган арпани нима қилишни ўйлаб бош қотирар эдилар. Пиво заводида эса барда ғоят мўл. Сабзавотчилик базаларида саралаган карам, лавлаги, сабзи ва картошкалардан чиққан чиқиндилар бекорга чириб ётар эди.

Шуни олдиндан айтиш мумкинки, гўё ана шу кераксиз, арзимаган бир тийиннга қиммат бундай маҳсулот эндиликда чўчқачилик фермамиз озуқа рационининг 70 процентини ташкил қилади. Қолган 30 процент маҳсулот витаминлаштирилган омухта емдан иборат.

Когонликлар ўз фермаларини хўжалик усулида, ўз қурилиш бригадаларининг кучи билан, оборот воситалари ҳисобига қурдилар. Биз рўйхатдан чиқарилган тахталар ва харилардан фойдаландик. Лекин ишимизнинг қандайдир бир босқичида ҳолдан тойганлигимизни, ресурслардан фойдаланиб бўлганлигимизни ҳис этдик. Давлат бизнинг жонимизга оро кириб, 600 минг сўм ссуда берди. Табиийки, бу қарзни биз ферма келтирадиган даромаддан тезда қайтариш кафолати билан олганмиз.

Яна шуни айтиш ўринлики, чўчқачиликнинг энг даромадли томонларидан бири — унинг тез кўпайишидир. Когонликлар етмиш олтинчи йилнинг кузида атиги 300 бош чўчқа сотиб олган эдилар, келгуси йил январда эса фермада уларнинг сони 500 бошга, йил охирида эса бир неча мингга етди.

Бугунги кунда эса шаҳар савдо бўлимининг ёрдамчи хўжалигида қариб ўн минг бош чўчқа бор. Когонликлар чўчқа гўштини сотишдан яхши даромад қилиб, жониворларнинг зотини яхшилашга киришдилар — Донецк ва Қрим областидаги наслчилик хўжаликларидан машҳур Украина зотли чўчқалар сотиб олдилар.

Бу зотли жониворлар 12—16 тадан болалайди.

Бизнинг фермамиз ҳамма соҳада исталган ихтисослаштирилган хўжалик билан баҳслаша олади. Фермада зарур -ёзги ва қишки хоналар, очиқ майдонлар, ветеринария блоки, озуқа ошхонаси, чўчқалар болалайдиган, турли ёшдаги чўчқа болаларини сақлайдиган махсус хоналар бор. Собиқ ошхона ходимлари, магазинлар ва савдо базаларининг ходимлари фермага ишга келдилар. Эндиликда ёрдамчи хўжаликда ветеринария врачи В. Ушаков бошчилигидаги 30 дан ортиқ киши ишлаб турибди. Ферма ходимлари ўрта ҳисобда 200 сўмдан иш ҳақи оладилар. Уларга савдо ходимларининг бошқа категориялари сингари мукофотлар берилади ва улар дам олиш ўнларига ва пансионатларга путевкалар тақсимлаётганда, квартира олиш пайтида бир мунча имтиёзларга ҳам эгадирлар.

Фермадаги ишларнинг натижалари кўзга кўринриб қолди. Уч йил мобайнида ҳайвонларнинг сони йигирма баравар кўпайди. Бу давр ичида хўжаликда моллар бирор марта ҳам офатга учрамади ёки мажбуран сўйилгани йўқ. Ҳозирги вақтда чўчқалар бир суткада 400 грамм семиртирилиб, сўйишга боқилган чўчқаларнинг ўртача вазни 114 килограммгача етказилмоқда. Бир килограмм чўчқа гўштининг таннархи 1 сўм 21 тийинга тушмоқда. Шу беш йилликнинг охирига борибшаҳар савдо бўлими бир килограмм чўчқа гўштининг таннархини 1 сўм 10 тийинга арзонлаштиришни мўлжалламоқда. Фермадаги чўчқалар ўн беш мингга етганда эса гўшт янада арзонлаштирилиб, 80 тийингача келтирилади.

Шаҳримиздаги ошхона, кафе ва ресторанларга марҳамат қилинг. Таомлар рўйхатида доимо янги чўчқа гўштидан тайёрланган тўртбеш хил овқатга кўзингиз тушади. Уй бекалари ярим фабрикатлар магазинларидан чўчқа устихонлари, котлетлар, шницель, тўш гўштлар харид қилишлари мумкин. Когондаги тўртта катта ихтисослаштирилган магазинларда ҳафтада икки марта 1 сўм 95 тийиндан янги сўйилган чўчқа гўшти сотилади. Шаҳар савдо бўлими ўзимизда алоҳида рўйхатда бўлган Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларининг уйларига гўшт олиб бориб беришни ташкил этган. Касалхоналар, болалар боғчалари бизнинг маҳсулотимиздан фойдаланмоқда.

Бизда ҳали ҳал этилмаган муаммолар ҳам бор, албатта. Транспорт воситалари етишмайди. Ферма шаҳардан 6 километр нарида жойлашган. Шунинг учун кишиларни ишга олиб борадиган ва қайта олиб келадиган автобуслар керак. Ёрдамчи хўжалик ферма яқинидаги бедаа, маккажўхори, сули, хашаки лавлаги экиш учун ҳайдаладиган ер ҳам зарур. Ҳозирча молхоналарни тозалаш ишлари механизациялаштирилгани йўқ. Қўшни колхозлар ёрдамчи хўжаликдан далаларга солинадиган аъло сифатли ўғит олишни жуда истайдилар. Бунда вакуум тозалагич муаммони ҳал этган ва ферма ходимларини сермашаққат меҳнатдан озод қилган бўлур эди.

Ишнинг бошланиши чакки бўлмади. Эндиликда чўчқачилик фермаси билан ёнма-ён ҳозирча кичикна бўлса ҳам қорамол фермаси барпо этилмоқда. Бу фермада 300 бош қорамол боқилмоқда, лекин шу беш йилликнинг охирига борибқорамоллар сонини 2000 бошга етказишни мўлжалламоқдамиз. Савдо бўлимимиз ўзининг мол гўштига ҳам эга бўлади, айни пайтда шаҳарликлар дастурхонини турли-туман мол гўшти маҳсулотлари билан сероб қилиш имконияти ҳам туғилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ана шу проблемани тезроқ ҳал этиш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди. Шундай муҳим иш учун ҳар қанча меҳнат қилса арзийди.

Б. ГОЛЬДМАН,
Когон савдо бўлимининг директори.
Бухоро области.

БУ ТАШАББУСНИ ДАВЛАТ КООПЕРАЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ О. БОГАЧЕВА ҚУЙИДАГИЧА ШАРҲЛАЙДИ:

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва жумладан гўшт билан доимо таъминлаб туришга эришиш муҳим ва масъулиятли вазифадир. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг 1979 йилги ноябрь Пленумида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Бу вазифани муваффақиятли ва жадал ҳал этиш учун барча мавжуд ресурслардан фойдаланиш зарур.

Маълумки, гўшт, сут, сабзавот етиштиришни кўпайтиришда корхоналарнинг ёрдамчи хўжаликлари муҳим аҳамиятга эга. Эндиликда бундай ёрдамчи хўжаликлар савдо ташкилотлари ҳузурида ҳам вужудга келтирилмоқда. Чўчқаларни озиқ-овқат чиқиндилари билан бўрдоқига боқишни йўлга қўйган когонликларнинг тажрибеси бундай ташаббуснинг ғоят фойдали ва самарали эканлигини кўрсатди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Савдо министрлигига барча область умумий овқатланиш корхоналарида чўчқаларни бўрдоқига боқадиган пунктлар барпо этиш вазифасини юклади ва бунинг учун зарур воситаларни белгилаб берди.

Новосибирск, Омск, Киров областларида, Красноярск ўлкасида, Татаристонда РСФСР Савдо министрлигининг ёрдамчи хўжаликлари муваффақиятли ишлаб турибди. Новосибирск областидаги умумий овқатланиш бошқармасига карашли «Левобережний» совхози йил сайин гўшт етиштиришни кўпайтирмоқда. Бу ерда ялпи чўчқа гўшти етиштириш 1970 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайгани ҳолда чўчқаларга бериладиган озуқа рационидаги чиқиндиларнинг салмоғи шу давр ичида 35 процентдан 57 процентгача ошди. Чўчқаларни озиқлантириш ва уларни парвариш қилиш технологияси яхшиланганлиги, сермеҳнат жараёнлар механизациялаштирилганлиги бир центнер гўшт таннархини 100 сўмдан 73 сўмгача арзонлаштириш имконини берди.

Бу кўпгина мисоллардан биридир, холос. Мамлакатимизда ҳозирнинг ўзидаёқ еттита республикада савдо ташкилотлари ҳузурида чўчқаларни бўрдоқига боқиш йўлга қўйилган. Ўтган йилнинг ўзидагина ана шундай ёрдамчи хўжаликлар 70 минг тоннадан ортиқ яъни 1978 йилнинг шу давридагига нисбатан қариб уч процент кўп чўчқа гўшти етиштирдилар. Бу эса шаҳарликлар дастурхонини қўшимча равишда гўшт маҳсулотлари билан сероб қилиш демакдир.

Бу йил савдо ташкилотлари қошидаги чўчқачилик хўжаликлари ҳар томонлама ривожлантирилади. Россия Федерациясида ёрдамчи хўжаликлардаги чўчқалар сони 180 минг бошга етказилади. Харьков, Днепропетровск ва Севастополь шаҳарлари савдо бўлимларининг янги фермалари қурилади. Киргизистон ССР Савдо министрлигида ёрдамчи хўжаликларни барпо этиш борасидаги ишлар янада активлаштирилади.

Ёрдамчи хўжаликлар ходимлари орасида чўчқаларни озиқ-овқат чиқиндилари билан боқишни яхши йўлга қўйиш учун мусобақа кенг авж олдириб юборилди. Ҳозирдаёқ чўчқалар озуқасидаги озиқ-овқат чиқиндиларининг салмоғи СССР Савдо министрлиги бўйича 50 процентни, бир қанча хўжаликларда эса 65 процентни ташкил этмоқда. Бу эса гўшт етиштириш таннархини арзонлаштиришнинг муҳим гаровидир.

Савдо ташкилотлари ҳузурида ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш тажрибаси бундай ёрдамчи хўжаликлар ғоят самарали ва тежамли эканлигини ҳамда улар аҳолини гўшт билан таъминлашда катта роль ўйнашини кўрсатади. Шунинг учун ҳам когонликларнинг ва бошқа шундай чўчқачилик хўжаликларининг тажрибасини кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир.

(«Труд» газетаси, 1 февраль).

ТЕЗ ВА АРЗОН

«Узколхозстрой» бирлашмасининг Янгийўл ғишт заводида ишлаб чиқарилаётган панел блоклардан атиги бир ҳафта ичида битта уй қуриш мумкин. Бу уйни пардозлаш учун ҳам унча кўп вақт кетмайди — заводда ғишт чиқиндиларидан тайёрланган йиғма деталлар пишиқ, чиройли қилиб чиқарилади. Корхонада механизациялашган линия ишга туширишган, бу линия ҳар йили юз коттеж учун панел блоклар тайёрлаб чиқаради. Бундай блоклар темир-бетон панелларга қараганда анча енгил ва арзон. Республиканинг барча областларида ана шундай блокларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

«Узколхозстрой» бирлашмасида қишлоқ қурилиши учун йирик саноат базаси ташкил этилган. Бирлашманинг комбинатларида, заводларида, полигонларида турар жой биноларини, маданий-маиший объектларни барпо этиш учун зарур бўлган металлар ва конструкцияларнинг барча турлари ишлаб чиқилмоқда. Узбекистонда қишлоқ қурилишларининг индустрия базаси кенгайтирилмоқда. Ҳозир Сурхондарё областининг Сариосиё районида бинокорлик комбинатини ишга туширишга тайёргарлик кўрилмоқда. Бу комбинат йилига 35 минг кубометр йиғма темир-бетон ишлаб чиқаради. Бухоро шаҳри яқинида комбинат қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Самарқанд, Наманган, Қашқадарё областларида ҳам шундай корхоналар барпо этилмоқда.

[ЎзТАГ].

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхозда илғор сут соғувчи Алижон Содиқов раҳбарлигида ташкил этилган илғор тажриба мактаби қисқа вақт ичида катта ютуқларни қўлга киритди. Ёш сут соғувчилар бу ерда сигирлардан кўплаб сут соғиб олиш сирларини қунт билан ўрганмоқдалар. Натижада улар ўз ишларида юксак кўрсаткичларни қўлга киритмоқдалар.

Хўжалик чорвадорлари орасида ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Унинг натижалари мунтазам равишда кўриб чиқилаётир. Ғолиб чиққанларга вимпеллар, дипломлар берилмоқда ва мукофотлар ҳамда қимматли совғалар билан тақдирланмоқдалар. Хўжалик сут соғувчиларидан Фарида Исоқова, Раҳима Исоқова, Ҳавохон Юсупова, Азиза Алибекова, Хайрихон Алибекова ва бошқалар ҳамкасб дугоналари орасида намуна кўрсатиб ишламоқдалар. Суратда (чапдан ўнгга) илғор сут соғувчилар — КПСС аъзоси Хавохон Юсупова, Фарида Исоқова, республикада хизмат кўрсатган чорвадор Хайрихон Алибекова ва унинг қизи Азиза Алибековалар.

Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

ПЛАНЕТАМИЗДА

РЕВОЛЮЦИЯ ЖАНГЧИЛАРИ ПАРТИЯСИ

«Вьетнам халқи Совет Иттифоқи билан, бошқа социалистик мамлакатлар, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати билан бирдам бўлиб, бутун дунё халқлари билан биргаликда тинчлик, мустақиллик, демократия ва социализм йўлида кураш олиб бормоқда». (ВКП Марказий Комитетининг Вьетнам Коммунистик партияси 50 йиллиги чақириқларидан).

Бу йил 3 февралдан бошлаб Вьетнам коммунистлари, шу жумладан партия ветеранлари ҳам биринчи марта партия билетларини олдилар. Вьетнам Коммунистик партиясининг ярим асрлик (1930 йил 3 февралдан бошлаб) фаолияти деярли батамом қуролли курашда ёки ширин шароитда ўтди, фақат яқиндагина революциянинг янги босқичи — бунёдкорлик ва ғоят мураккаб иқтисодий ҳамда социал вазифаларни ҳал этиш босқичи бошланди.

ВКП Марказий Комитети пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари, «Нян зан» газетасининг бош редактори Ўртоқ Хоанг Тунг ҳам ўзининг биринчи партия билетини олади.

— ВКП жангчи партия сифатида ўсиб-улғайди, — дейди у. — Шу боисдан доимий ширин шароитда яшлаш ёки қатъий ҳарбийлаштирилган фаолият тартиби узоқ вақт ҳаётимиз нормаси бўлиб келди.

Бу кишининг таржимаи ҳоли партия тарихи билан чамбарчас боғланган.

— Ўттиз йил муқаддам мен ўттиз ёшда эдим, лекин ўша вақтда ҳам ўн йиллик партия стажим бор эди, — деб ярим ҳазил билан жавоб қайтарди у менинг анкетадагига ўхшаш саволимга. У ҳар бир сўзини сокинлик билан ўйлаб туриб гапирди, баъзан аниқ ўхшатмалар, ҳазил-мутойиба ҳам қилади.

У партия сафига 1941 йилда кирган бўлса ҳам, лекин ўзининг стажини 1940 йилдан бошлаб ҳисоблайди. Ўша йил Вьетнамда ўн йил ичида партия ташкилотларининг учинчи марта тор-мор этилиши йили эди. Хо Ши Мин ташкил этган Вьетнам революцион ёшлар уюшмаси раҳбарларидан 1930 йилда сайланган биринчи Марказий Комитет салкам бир йил ишлади. Унинг барча аъзолари, шу жумладан бош секретарь Чан Фу зиндонларда ҳалок бўлишди. Аввалига Ле Хоанг Фонг, сўнгра эса Нгуен Ван Ки раҳбарлик қилган Марказий Комитетнинг иккинчи составидан ВКП Марказий Комитетининг ҳозирги Бош секретари Ле Зуангина омон қолди.

1940 йил ноябрида тузилган партия раҳбарларидан 1945 йил август революциясигача фақат беш киши тирик қолди.

— Мен қандай қилиб партияга кирдим ва стажнинг расмий ҳисоби билан менинг шахсий ҳисобим ўртасида нима учун тафовут бор? Гап бундай. Ўша пайтда партия сафида одам кам эди, номзодлар ғоят танлаб, синчиклаб олинарди. 20 ёшга тўланганимда менга ишонч билдиришди, тавсиянома беришди ва мен ёш подпольечиларнинг бири бўлиб қолдим. Бироқ мени партияга қабул қилиш тўғрисидаги масала узил-кесил ҳал этилиши олдидан партия комитетининг бутун составиби билан мени ҳам ўша жойнинг ўзида мустамлака охранкаси қамоққа олди.

Хоанг Тунг тушган Намдинь турмасида ва Ханой марказий қамоқхонасида сиёсий маҳбуслар кўп эди. Ханой турмасининг ўзидагина ўртоқлардан салкам 300 киши сақланмоқда эди.

— Намдинда ҳам, Ханойда ҳам мени партияга қабул қилишмади: танишлар йўқ эди, шунинг учун ҳам қафолат бераднган одам тополмадим. Қамоққа одганимдан кейин 13 ой ўтгач, мени Ханой марказий турмасидан ғарбдаги тоғли чекка жойдаги Шонла вилоятининг турмасига кўчиришди. У ерда мен партия ташкил этилган кундан буён унинг аъзоси ва ўшандаёқ Марказий Комитетга аъзо бўлган ўртоқ Ле Дик Тхони учратдим. Айнан унинг ўзи аввалги йили менга тавсиянома берган эди. Унинг кафиллиги билан мени Шонла турмасидаги сиёсий маҳбуслар партия ташкилотига қабул қилишди. Худди ўша пайтдан менинг расмий стажим бошланди.

Ханойда бўлган саёҳатчиларга Ғарбий қўлнинг хушманзара соҳилида жойлашган замонавий «Тханглой» («Ғалаба») меҳмонхонасининг биноси яхши таниш. Лекин шу ердан сал нарроқда Қизил дарё тўғони ёқасидаги кўримсиз уйларнинг бирида 1945 йил Август революцияси арафасида Ҳинди-Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг асосий Ханой қароргоҳи жойлашганлигини кўпчилик билмайди. Ўртоқ Хоанг Тунг турмадан озод қилинганидан кейин, ўзи ҳазил қилиб айтганидек «пойтахт округининг бош қўмондони» бўлди. Тўғри, унинг «солдатлари» одатдаги кийимда юришарди. Агарда уларнинг биронтасидан қурол топиб қолишгудек бўлса, ўша жойнинг ўзида отиб ташлашарди. Ватанпарварлар Марказий Комитетнинг асосий қароргоҳи билан чекка районларда жойлашган зараҳ қароргоҳлари хавфсизлигини таъминлаб туришарди. Нарги соҳилга ўтиб кетиш учун қайиқлар доимо тайёр турар, соқчилар ва алоқачилар кечаю кундуз вахтада эдилар.

Марказий Комитет аъзолари ва Вьетминь фронтининг Хоанг Тунг раҳбарлигидаги қуролли отрядлари вақт-соати етгач қирқ беш йилнинг августида худди шу ердан шаҳар марказига келиб халқ намойишларида иштирок этдилар, ана шу намойишлар Август революциясига айланиб кетди. Театр майдонидаги митинг вақтида қўғирчоқ империалистик режимнинг сариқ байроғини катта театр биносидан олиб ташлаб, унинг ўрнига революция байроғини тиклаб қўйганлар ҳам ана шулар эди.

«Бизнинг партиямиз революция жангчилари партияси сифатида ўсиб-улғайди, — деб такрорлайди Хоанг Тунг. — 1945 йил августида биз 5 минг киши эдик, француз мустамлакачилари билан уруш бошланганда 20 минг кишига, уруш охирига борганда эса ярим миллион кишига етдик».

Кураш йилларида партия комитетлари ҳалок бўлиб феникс қуши каби қайтадан бунёдга келарди. Масалан, Ханой шаҳар комитети 1954 йилгача 10 марта барбод қилинди. Американараст қўғирчоқ режим жанубда ҳукмронлик қила бошлаган дастлабки йиллардаёқ жамоалар, уездлар ва вилоятлар партия комитетлари барча аъзоларининг 90 процентини йўқ қилди.

Ана шу рақамлар партия революция мақсадларига эришиш йўлида қандай қурбонлар берганлигини яққол кўрсатиб турибди. Жасорат ва ўз жонини фидо қилишга тайёр туриш, ажалга тик боқа билиш коммунистга баҳс беришда асосий мезон ҳисобланар эди.

Ҳозирги вақтда бутун мамлакат мустамлакачилардан, агрессорлардан ва уларнинг қўғирчоқларидан озод қилинган. Бироқ ҳозирги вақтни батамом тинч-осойишта деб бўлмайди. Ўтган йилги Хитой агрессиясидан кейин шимолий вилоятларда вайрон қилинган шаҳарлар ва қишлоқларнинг култепалари ҳали совигани йўқ. Пекиндан эса Вьетнамга «яна сабоқ бериб қўямиз» деган дўқ-пўписалар тўхтовсиз эшитилиб турибди. Вьетнамнинг Кампучия революциясига берган интернационал ёрдами муносабати билан империалистлар ва Хитой Вьетнамга ҳуруж қилаётганликлари сабабли Ҳинди-Хитойда кескин вазият вужудга келди.

Шундай бўлса ҳам бунёдкорлик, хўжалигини уруш вайрон қилган мамлакатда социализм барпо этиш, жанубда мустамлакачиликнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш — бугунги кунинг бош вазифаларидир. Ана шу вазифаларнинг ҳал этилиши партиядан янгича иш услубини қарор топтиришни талаб этади, партиянинг ҳар бир аъзоси олдига янгидан-янги вазифалар қўяди. Бу борада ВКП принципиаллик билан иш кўрмоқда, чунки олов-оташ ва меҳнатдаги синовларга бардош беролмаган тасодифий кишиларга партияда ўрин йўқ, ҳозир партия ҳужжатларини беришдан иборат ўтказилаётган муҳим сиёсий кампания мақсадларининг бири ҳам худди шуни кўзда тутади. Партия ҳужжатларини муносиб кишилар оладилар.

1980 йилда ВКП сафларига янги кучлар — юбилей йилида чақирилган ёш коммунистлар, Хо Ши Мин Коммунистик ёшлар союзининг тарбиясини кўрган энг яхши кишилар келиб қўшиладилар. Уларнинг билимлари, куч-ғайратлари, ақл-фаросатлари ва ёш қалбларининг ҳарорати шубҳасиз, Вьетнам Коммунистик партиясининг революция янги босқичидаги ғоят мураккаб бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишига ёрдам беради.

А. МИНЕЕВ,
(ТАСС мухбири).
Ханой.

ҲАМКОРЛИК ТИМСОЛИ

Яқинда ўзининг миллий байрами — Республика кунини нишонлаган ҳинд халқи мустақиллик йилларида мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш, миллий экономикани ривожлантириш йўлида катта ишларни амалга оширди. Тарихан қисқа давр ичида Ҳиндистон экономикасида тубдан ўзгаришлар юз берди. Ҳиндистон республикаси ҳозир энг асосий саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондирибгина қолмай, кўпгина маҳсулотларни турли мамлакатларга экспорт ҳам қилмоқда. Бугунги Ҳиндистон электровоз ва самолётлар, океан лайнерлари, автомобиллар ишлаб чиқармоқда, метро ва атом реактори қуриб, ернинг сунъий йўлдошларини учирмоқда, Ҳиндистон саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми жиҳатидан дунёдаги дастлабки ўнта индустриал мамлакат қаторига ўтди.

Мустақил Ҳиндистоннинг миллий экономикани ривожлантиришига Совет Иттифоқи дўстона, самимий ёрдам кўрсатмоқда. Эндиликда Ҳиндистон экономикаси давлат секторининг негизини ташкил этувчи 70 га яқин йирик объект мамлакатимиз ёрдамида қурилди ва қурилмоқда. Бу корхоналар мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ҳамма металлургия ускуналарининг 80 процентини, нефтнинг 70 процентини, пўлатнинг 35 процентини, электр энергиянинг бешдан бир қисмини етказиб бермоқда.

Бу иқтисодий ҳамкорликка 1955 йилнинг 2 февралида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тузилган ҳукуматлараро шартнома асос бўлмоқда. Ушбу шартномага кўра Ҳиндистонда дастлаб Совет Иттифоқининг кўмаги билан Бхилаи металлургия комбинати қурилди, Мазкур корхона совет—ҳинд дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёркин тимсоли бўлиб қолди. Ҳозир Бхилаида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг қариб учдан бир қисми эритилмоқда.

[ТАСС].

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ВАРШАВА. Бу ерда Польша Халқ Республикаси сеймининг сессияси очилди. Депутатлар «ПХР герби, байроғи ва гимни тўғрисидаги, «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида»ги қонун лойиҳаларини ва бир қанча бошқа қонун лойиҳаларини муҳокама қилмадилар.

Сессия ишида ПБИП Марказий Комитети Биринчи секретари Э. Герек, ПХР партия ва ҳукуматининг бошқа раҳбарлари иштирок этмоқдалар.

● АФИНА. Шу йилнинг 1 февралидан бошлаб Грециядa бензин 10 процент, бошқа нефть маҳсулотларининг нархи 18—37 процент оширилади. Маҳаллий матбуот таъкидлагандек, ёнилғи-мойлаш материаллари нархининг яна оширилиши туфайли бошқа товарлар ва хизмат кўрсатиш турлари нархи ҳам ошади.

● ЛУСАКА. Родезияда ҳақиқий мустақиллик тарафдорларига қарши фитналар давом этмоқда. Солсберида Зимбабве ватанпарварлар фронти арбобларидан бири П. Мутовао уйида бомба портлаган. Ўлганлар бор.

Тахмин қилишларича, суиқасдда Родезиянинг ҳавфсизлик кучлари агентлари иштирок этишган. Улар Англия ва АҚШ махсус хизматлари томонидан атайлаб тайёрланган кишилардир.

● ЖАКАРТА. Индонезиянинг «Гаруда Индонезиан эйрлайнз» миллий авиакомпанияси учувчилари забастовка эълон қилдилар. Улар Индонезия парламенти биноси олдида намойиш ўтказиб, янги меҳнат шартномаси имзоланишини ва иш ҳақининг оширилишини, шунингдек авиакомпания маъмуриятининг маҳаллий хизматчиларни очиқдан-очиқ таҳқирлаш тўхтатилишини талаб қилмоқдалар.

[ТАСС].

Дўстона вазиятда

ХАНОЙ, 2 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигида ВСРда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Советининг делегацияси кеча Хюэ шаҳри ҳамда Биньчитхиен вилоятининг партия, маъмурий ва хўжалик раҳбарлари, меҳнаткашлари ва студентлари билан учрашди.

Вилоят халқ комитетида бўлган учрашувда вилоятнинг аҳолиси АҚШ агрессиясининг оғир оқибатларини тугатиш учун курашда, халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришда зўр кучғайрат кўрсатаётганлиги айтилди. СССР Олий Совети делегациясининг бошлиги вилоятнинг коммунистлари ва барча меҳнаткашларини Вьетнам Коммунистик партиясининг 50 йиллик юбилейи билан самимий қутлади.

ВКП вилоят комитетининг секретари, вилоят халқ комитетининг раиси Буй Шан вилоятнинг партия ташкилоти ва меҳнаткашлари совет халқи билан дўстлик ва бирдамликни янада мустаҳкамлаш, биродарлашган Белоруссия билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириш учун барча куч-қувватларини сарфлайверадилар, деди. У В. И. Ленин туғилган кунинг 110 йиллиги олдидан СССРда бошланган социалистик мусобақада барча совет халқига катта-катта муваффақиятлар тилади.

Советлар мамлакатининг вакиллари Хо Ши Мин ўқиган мактаб майдонида дўстлик дарахти кўчатини ўтказдилар.

ВИЗИТ ТУГАДИ

ДАМАШҚ, 1 февраль. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов бошчилигидаги тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети делегациясининг Сурияга қилган визити туғади. Совет делегацияси самимий дўстона кутиб олинди. Визит чоғида Сурия тинчлик тарафдорлари миллий кенгашининг раиси, Араб социалистик уйғониш партияси раҳбарлигининг аъзоси Ж. Саддиқни билан музокаралар ўтказилди. Араб социалистик уйғониш партияси Марказий Комитети Бош секретарининг ўринбосари А. Ал-Ахмар Совет делегацияси аъзоларини қабул қилди.

Визит туғаганидан сўнг эълон қилинган қўшма ахборотда айтилдики, Совет ва Сурия жамоатчилигининг вакиллари совет халқи билан сурия халқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланаётган л и г и ҳамда ривожланаётганлигини мамнуният билан қайд этдилар, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан Араб социалистик уйғониш партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, САР Президенти Х. Асад ўртасидаги учрашувдар шу жараёнга кўрсатаётган муҳим аҳамиятни таъкидладилар.

Томонлар уқтирдиларки, Миср-даги режим ўтказаётган таслимчилик йўли, шунингдек унинг Исроил билан тузган сепарат шартномаси ҳамда ана шу жараёндан кейинги «Миср-Исроил муносабатларини нормаллаштириш» деб аталмиш жараён араб халқларининг курашига зарар етказмоқда.

Томонлар Исроилнинг Ливанга қарши давом этаётган агрессиясини ҳамда Ливан давлатини бўлиб юборишга уринаётганликларини қатъиян қораладилар. Улар мамлакатнинг бутун территориясида Ливан ҳукуматининг ҳукмронлиги мустаҳкамланиши ҳамда Ливандаги Фалластин қаршилик ҳаракатининг қонуний манфаатларига риоя этилишини ёқлаб гапирдилар.

Сурия ва Совет жамоатчилигининг вакиллари регионда империалистик кучлар ва уларнинг гумаштаси Афғонистондаги воқеалар тебаранглигида зўраки авж олдираётган кампаниями ҳам қаттиқ қораладилар, бу кампания араб мамлакатлари билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларига путур етказиш мақсадида ўтказилаётганлигини айтдилар.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ЯШАГАН ЖОЙДА

Ўзбекистон Фанлар академиясининг ботаника боғида ажойиб гиёҳлар майдони бор. Бу ерда «Абу Али ибн Синонинг шифобахш гиёҳлар зонаси» барпо этилиб, Ўрта асрнинг машҳур алломаси Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари»да тилга олган барча доривор ўсимликлар тўпланган.

Олим ана шу гиёҳларнинг 393 турини таърифлаб берган эди. Улардан юзга яқини Ўзбекистон ва қўшни республикалар территориясида ўсади. Ботаниклар «Тиб қонунлари»да эслатиб ўтилган, лекин бошқа географик зоналарда ўсадиган ўсимликларни ҳам иқлимлаштиришни мўлжалламоқдалар. Олимлар Абу Али ибн Сино туғилган куннинг 1000 йиллиги нишонланадиган кунгача улуғ ҳаким номи билан аталувчи гиёҳлар музейини барпо этиш ниятидадирлар. ЮНЕСКОнинг қарорига биноан шу йил кузда буюк олимнинг юбилейи кенг нишонланади.

Республика Фанлар академиясининг шарқшунослари олим юбилейи шарафига медиклар билан ҳамкорликда Абу Али ибн Синонинг тиббиётга оид беш томлик асарини қайта нашрга тайёрладилар. «Тиб қонунлари» ҳозирги тилларга бундан чорак аср муқаддам илмий-шарҳлаб таржима қилинган эди ва эндиликда библиографик ноёб асар бўлиб қолди.

Абу Али ибн Сино туғилиб ўсган Бухоро яқинидаги қадимий Афшона қишлоғи ҳозир улкан посёлкага айланган. Кенг кўчаларнинг икки томонида икки қаватли гиштин коттежлар саф тортган. Бу ўйларда улуғ олимнинг ҳозирги юртдошлари истиқомат қилишмоқда. Бўлажак юбилей тантаналарига атаб янги музей бинаси қурилди. Унда қадимий Шарқ меъморлиги билан замонавий архитектура анъаналари узвий бирлашиб кетган. (ТАСС).

АХБОРОТ

САНЪАТ ОЛАМИДА

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

Тошкент театрларининг ижодий коллективлари янги-янги асарлар саҳналаштириб, ўз томошабинларига ҳавола этмоқдалар. Масалан, яқинда «Ҳурмат белгиси» орденли Тошкент рус ёш томошабинлар театрида кетма-кет икки спектакль премьераси бўлиб ўтди. Биринчи асар машҳур совет ёзувчиси С. Маршакнинг «Теремок» эртаги асосида яратилган. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, режиссёр Г. Мустафин раҳбарлигида саҳнага қўйилган бу асар жажжи томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Иккинчи спектакль эса, фантаст ёзувчи Айзек Азимовнинг «Тимми — мамонт авлоди» ҳикояси асосида тайёрланган бўлиб, унинг инсценировкасини режиссёр И. Марков ёзган. Спектакллардаги асосий ролларни В. Грибов, Н. Петрова, А. Колмогоров, Е. Коминер, Н. Печорина, А. Лазуревский, Г. Цинкобуров каби актёр ва актрисалар ижро этишмоқда.

«Еш гвардия» драма театри репертуарида пайдо бўлган янги спектакль «Можаро» деб аталади. Америка ёзувчиси Н. Е. Бэрр қиссаси асосида ишланган. Ешлар тарбиясига бағишланган бу асарни Ленинград театр санъати институтининг дипломанти ироклик Ал-Баҳадили Доир билан А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг доценти Арсен Исмомлов саҳналаштирди. Спектаклдаги бош ролларни актёрлардан Ҳ. Арслонов, Ж. Усмонов, М. Ражабовлар талқин қилишди.

ҲАВАСКОРЛАР ҚУРИГИ

Жиззахдаги қурувчилар маданият уйи уч кун кино мухлислари билан гавжум бўлди. Бу ерда ҳаваскорлик фильмларининг ўн тўртинчи республика фестивали бўлиб ўтди. Конкурс программасига ҳаваскор киностудиялар ва киноҳаваскорлар яратган 50 га яқин фильм ҳавола этилди. Андижондаги «Хлопковик» ҳаваскорлик киностудияси иштирокчилари томонидан суратга олинган «Каскадерлар», «Айбдорлар» картиналари касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон Кинематографчилар союзининг биринчи мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи мукофот самарқандлик ва бухоролик ҳаваскорларга, учинчи мукофот эса, жиззахлик ва тошкентлик ижодкорларга берилди.

Қишлоқ хўжалигига оид фильмларнинг энг яхшилари деб Андижон областидаги «Шонли меҳнат» газетаси ҳузурида ташкил этилган «Самоцветы» ҳаваскорлик студиясининг «Ранса», «Сплав» студиясининг «Анор» фильмлари топилди.

Фестиваль программасида спорт ва болалар тарбияси, меҳнатни муҳофаза қилиш темаларига оид фильмлар ҳам намойиш қилинди. Болаларга бағишланган фильмлар конкурсида самарқандлик ҳаваскорлар ғолиблик қилишди.

Н. МИРЗАЕВ.

РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММАДА

Тўрақўрғон район «Дилшод» халқ ансамбли Москвада Бутуниттифоқ Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 110 йиллиги шарафига ҳисобот концертлари берди. Ансамблнинг программаси ранг-баранг бўлиб, ўзбек, рус, тожик, қирғиз каби ўнлаб миллат ва элатларнинг рақслари, қўшиқлари бор. Ансамбль аъзоларидан жаҳон саккизинчи ёшлар фестивали лауреати Т. Олимов, «Доира рақса чорлайди» телевизион конкурси ғолиби М. Сотволдиева, хушовоз хонанда Й. Тиллабоевларнинг чиқишлари талабчан москвалик томошабинларда катта таассурот қолдирди.

«Дилшод» халқ ансамбли ижодий коллективи шу кунларда район пахтакорлари ва чорвадорларига маданий хизмат кўрсатмоқда.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг электроника институти ходимлари юза ва ўта юза ҳодисаларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Булар энг янги физика бўйича илмий ишлар комплексига киради. Суратда: лаборатория мудири, техника фанлари кандидати Тельман Дадаевич Ражабов бу соҳада навбатдаги тажриба ўтказаётган пайт.

В. Сироткин фотоси.

СПОРТ

ОММАВИЙЛИК ЙЎЛИДА

Сурхондарё областида кейинги йиллар физкультура ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қилинмоқда. Ҳозир областда тўққизта стадион, 206 спорт зали, 100 дан зиёд мерганлик тири, 300 га яқин футбол майдони, тўртта сузиш ҳовузи, 15 дан ортиқ спорт иншоотлари мавжуд. Янги спорт комплексларини лойиҳалаш, эскиларини қайта тиклаш соҳасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Термиздаги «Спартак» стадиони қайта жиҳозланди. «Автомобилист» спорт комплекси барпо этилди. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва физкультура техникумларида ёшлар учун спорт заллари бунёд этилди.

М. Горький номли шаҳар маданият ва истироҳат боғида камончилар учун майдон барпо этилган. Учқизил сув омборида эса сузувчилар учун база вужудга келтирилди. Шунингдек, область отчопари ҳамда малакали чавандозлар учун мактаб қуриб берилиши кўпчиликни қувонтирди. Сурхондарёлик моҳир чавандозлар республика Министрлар Совети соврини учун ўтказилган мусобақада иштирок этишди.

Областнинг қишлоқ жойларида ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилятпи. Сариосиё районидаги «Коммунизм» территориал ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, ибратлидир. Мазкур хўжалик спорт инвентарлари сотиб олиш учун йилига катта маблағ ажратяпти. Бу ерда футбол майдони ва бошқа спорт иншоотларига эга бўлган 5000 кишилик стадион ёшлар билан гавжум. Физкультурачилар сафи кенгайиб, ҳозир қарийб 6 минг кишини ташкил этади. Яқинда чавандозлик клубида ҳам иш бошланди.

А. ХАЛИЛОВ.

«ОЛИМПИАДАГА КЕЛИШ ОРЗУСИДАМИЗ»

Биринчи саволни журналистлардан олдин Америка спортчиси берди:

— Нақотки АҚШ миллий олимпиада комитети Москва Олимпиадасига қарши чиққан бўлса?

— Шундай хабар бўлган эди, — деб таъкидладик биз.

Айова штати университетининг аспиранти ва курашчи полвон Крисс Кембелл юзида чинакам ташвиш акс этди:

— Демак, маъмурлар миллий Олимпия комитетимизни «эзиб» қўйипти-да.

«Эзиш» ибораси кураш ишқибозларига яхши маълум. Бу нарса икки рақиб бир-бирининг қаршилигини енгишга уринаётган пайтда гилам устида содир бўлади. Аммо...

— Қандага хилоф иш бўлибди-да, — деб хулоса қилди спортчи

— Москва Олимпиадаси АҚШ давлат департаментига ёқмаётганлигини биз биламиз. Лекин миллий олимпиада комитетимиз тазйиққа бардош беролмаганлиги бизни ҳам ҳайратга солди, ҳам ранжитди, — деб илова қилди Америка эркин услубда курашчилар командасининг раҳбари ва тренери Стен Дзидзич.

АҚШдан келган спортчилар икки ҳафтадан буён Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибдилар. Улар Москва, Тбилиси, Оржоникидзеда бўлдилар. Тошкент — сафарнинг якунловчи босқичи.

— Бизни ҳамма жойда яхши кутиб олдилар. Совет спортчи дўстларимиз ўзларини жуда олижаноб тутмоқдалар. Гўё биз катта спорт байрамига қўлни-қўлга бериб ҳозирлик кўраётгандек таассурот туғилмоқда. Биз, спортчиларга келганда шуни айтиш керакки биз ҳаммамиз Москва Олимпиадасида иштирок этишни истаймиз, — деди Стен Дзидзич.

Бу суҳбат Ўзбекистон спорт комитетида бўлиб ўтди, АҚШ дан келган меҳмонлар бу ерда республика пойтахтининг спорт жамоатчилиги билан, журналистлар билан учрашдилар.

«Олимпиадага келиш орзусидамиз» — команда барча қатнашчиларининг сўзлари ана шу фикр билан суғорилган эди.

— Биз совет полвонлари билан ҳозирги учрашувларни ҳам, совет курашчиларининг март ойига белгиланган АҚШга сафарини ҳам Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бири деб биламиз, — деди Саракуза шаҳри (Нью-Йорк штати) университетининг студенти, Америка мамлакатлараро ўйинлар чемпиони Южин Миллс. Ю. Миллснинг сўзларига кўра «ҳозирги сафарда унинг омади келаётган» экан.

1 февраль куни кечкурун СССР ва АҚШ эркин курашчиларининг терма командалари «Меҳнат резервлари» спорт комплексининг залида якунловчи учрашувни ўтказдилар.

Т. ГОЛУБКИНА, Е. ЕФИМОВ,
(ЎзТАГ мухбирлари).

ДИПЛОМЛИ ҚИШЛОҚ

Чуст районидаги Ғова қишлоқ Советида ҳаракат қилиб турган 11 та депутатлар группаси, 9 та доимий комиссия ҳамда 80 га яқин жамоатчи активлар меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини яхшилаш, қишлоқда совет турмуш тарзини тарқиб топтириш йўлида муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Куни кеча хушхабар келди. Қишлоқ Совети республика қишлоқ Советлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада ғолиб чиқибди. Шу муносабат билан халқ депутатлари Ғова қишлоқ Советига Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва тармоқ касаба союзи республика Советининг Дипломи ҳамда «Москвич-412» енгил автомашинаси берилди.

ФАКТ ВА ШАРҲ

ЎЧИРИЛГАН МОТОР БИЛАН ШАҲАР БЎЙЛАБ...

Тошкент автомобиль ва йўллар институтининг бир группа инженерлари профессор С. Абрамов раҳбарлигида автомашинанинг ичдан ёнар двигатель цилиндрларини автомат равишда ёнилғи билан таъминлайдиган янги система ихтиро қилдилар.

Машина тезлиги камайган сари цилиндрларга ёнилғи автоматик равишда бормай қолади. Аксинча, машина тезлиги оширилиши билан цилиндрларга ёнилғи бора бошлайди. Бирдан-бир шарти шуки, узатгич коробкани узиб қўймасдан машина тезлигини фақат акселетор педали ёрдамида бошқариб бориш керак.

Бунга электрон қурилма ёрдамида эришилади. Қурилма тайёрланиши арзонга тушадиган деталлардан йиғилган. Бу янгиликнинг фойдали томони хилма-хил: чунончи, ёнилғи тежалишидан ташқари у ҳавога заҳарли газлар чиқарилишини 40 процент камайтиради. Машинани узатгич коробкаси уланган ҳолда тўхтовсиз ҳайдалса, тормозлар камроқ ейилади ва айни вақтда ҳаракат хавфсизлиги ошади. Ажойиб томони шундаки, машинанинг юки ва тезлиги қанча ошса ёнилғи шунча кўп тежалади.

Янги система ўрнатилган машина пойтахт кўчаларида синаб кўрилди. Маълум масофанинг учдан бир қисмига системали машинага одатдаги ишлатилган ёнилғига нисбатан 13 процент кам ёнилғи сарф қилинди.

Ўзбекистон автомобиль транспорти министрининг биринчи ўринбосари ўртоқ В. Ражабовнинг айтишича, министрликка қарашли автомобиль корхоналари ва хўжаликларида бу янги система қўлланилса, ҳар йилда 100 минг тонна ёнилғи тежаб қолинади. Яқинда бу қурилма ўрнатилган бир неча маршрутли такси шаҳар аҳолисига хизмат қила бошлайди.

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ШАҲАРЧАСИ

Наманган районидаги Свердлов номли колхозда область болалар шифохонаси биноси фойдаланишга топширилди. Энг янги замонавий асбоб-ускуналар, рентген ҳамда диагностика аппаратлари билан жиҳозланган 120 ўринли шифохона қурилишини А. Валиев бошлиқ колхозлараро қурилиш бошқармаси коллективи муддатидан илгари ишга туширди.

Барча қулайликларга эга бўлган шифохона областда кичкинтойлар саломатлигини муҳофаза қилувчи маскандир.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

3 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядкага сафланинг. 10.00 — Будильник. 10.35 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.35 — Здоровье. 12.20 — Тонгги почта. 12.50 — Киножурнал. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 —Мангу даъват. Бадиий фильм, 5-серия. 15.40 — Хатларингиз асосида. 16.25 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Концерт. 18.30 — Ҳалқаро панорама. 19.15 — Киносаёҳатчилар клуби. 20.10 — Эзги гастроллар. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05— Музика ҳақида суҳбатни давом эттирамиз. 23.30 — Ҳужжатли фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

I.

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Баёт» ашулалар ва рақс халқ ансамблининг концерти. 11.10 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Телефильм. 13.20 — Ешлик. 13.50 — Ҳаёлпарастлар. Бадиий фильм. 15.00 — Реклама. 18.20 — Болалар учун. 18.45 — Бойчечак. 19.15 — Вьетнам Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Гўзал» ансамблининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек цирки манежида. 21.30 — Время. 22.05 — Цирк программасининг давоми.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕННЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

4 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Чин сеҳрли. Бадиий фильм. 11.30 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.30 — РСФСР халқ артисти Ю. Казаков концерти. Кўрсатув тугаганч янгиликлар. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Меҳнатинг — яқболинг. 16.30 — Сиз яратган боғ. 17.00 — Спортчилар класси. 17.30 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Қутоға. Фильм. 18.20 — Фильм-концерт. 18.40 — Беш йиллик. Якуиловчи йил. 19.20 — Фильм-спектакль 21.30 — Время. 22.05 — Опера ҳақида монолог. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильмлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Географиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Шарқий Сибирь хўжалиги. 13.00 — Дўстлик тароналари. 18.15 — Мультфильм. 18.20 — Олимпия умидлари. 18.50 — Ешлик. 19.20 — Ахборот. 19.35— Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ильич севган асарлар. 21.30 — Время. 22.05 — Ф. Шиллер. «Макр ва муҳаббат». М. Уйғур номли Сурхондарё область музикали театрининг спектакли. 23.00 — Оламда нима гап? 23.10 — Спектаклнинг давоми.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Ўрмон ёмғири. Фильм. 20.50— Олий математика. 21.50— Ўқитувчилар учун консультация. 22.20 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — СК — «Салават Юлаев» (Уфа).

РАДИО

3 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Янги музиқали ёзувлар 9.15 — Табассум. 10.40 — Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиосининг солисти М. Дадабоева куйлайди. 12.10 — Ўзбекистон ашчиси. 13.00 — Машинада сут соғиш усталари ҳикоя қиладилар. 13.30 — СССР халқ артистлари Е. Образцова ва Б. Штоколов ижро этадилар. 14.00 — Гектарнинг қиймати. 15.40 — Театр микрофон олдида. Кечир меня, отажон. Г. Камол номли татар давлат академик театри спектаклининг монтажи. 17.20 — Ўзбек авторларининг қўшиқлари. 18.15 — Ешлик. 19.30 — Спорт эшиттириши. 20.25 — Фузулий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 21.00 — Табассум. 22.28 — Ўзбекистон Давлат филармонияси солистларининг концерти. 23.20 — Дам олиш концерти.

4 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши найфият 9.15 — Совет турмуш тарзи. 9.30 — Шу кунинг қўшиқлари. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 10.40 — Ленинома программаси. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг илғор чорвадорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30 — Енгил чолғу куйлари. 14.00 — Буни Ленин башорат қилган. 18.15 — Халқ номзодлари. 18.50 — Ешлик. 20.25 — Меҳнат ва бахт қўшиқлари. 21.00 — А. Навоий музейи залларида куйлаб. 22.28 — Машраб ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар. 23.20 — Дам олиш концерти.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ ОРГАНЛАРИ

СССР Олий Совети томонидан 1940 йил 4 апрелда қабул қилинган «МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕ» қонунига биноан

1980 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН

ҲУЖАЛИКЛАРДА ГРАЖДАНЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН МОЛ-МУЛКЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШГА КИРИШҒАНЛИКЛАРИНИ

Б И Л Д И Р А Д И

ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ МОЛ-МУЛКЛАРИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ:

қурилиш, йирик шохли қорамол (6 ойликдан бошлаб), 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган отлар, қўй, эчки, туя, эшак ва ҳачирлар (1 ёшдан бошлаб), чўчқалар (9 ойликдан бошлаб).

Мол-мулк мажбурий окладли страхованиеси тўловлари Госстрах инспекцияси томонидан белгиланади. Шундан сўнг страхование қилдирувчи кишиларга тўлаш зарур бўлган пул миқдори кўрсатилган гувоҳнома берилади. Страхование қилдирувчилар бу пулни Госстрах счётига ўтказишлари керак.

МАЖБУРИЙ ОКЛАДЛИ СТРАХОВАНИЕ БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР ГРАЖДАНЛАР ТОМОНИДАН ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛАРДА ТЎЛАНИШИ КЕРАК

1 МАЙГАЧА ТЎЛОВНИНГ 50 ПРОЦЕНТИ ВА ҚОЛГАН 50 ПРОЦЕНТИ 1980 ЙИЛНИНГ 1 СЕНТЯБРИГАЧА.

Страхование тўловлари қуйидаги ташкилотларда қабул қилинади: қишлоқ жойларда яшовчилар халқ депутатлари қишлоқ Советларига, шаҳарда яшовчи гражданлар СССР Давлат банки муассасаларига, турар-жойларига яқин бўлган омонат кассаларига, давлат страхование инспекцияси инспекторлари ва агентларига тўлайдилар. Шаҳар жойларда, шунингдек қишлоқ жойларда яшовчи гражданлар ҳам страхование тўловларини почта орқали СССР Давлат банки муассасаси Госстрах инспекцияси счётига ўтказишлари мумкин.

Белгиланган муддатда тўланмаган страхование тўловлари учун кечиктирилган ҳар бир кун ҳисобига 0,1 процент миқдорида устама ҳақ олинади.

ГРАЖДАНЛАР! Мажбурий окладли страхование бўйича тўловларни белгиланган муддатларда тўланглз, тўловларнинг йиғилиб қолишига йўл қўймангиз.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СТРАХОВАНИЕ БОШ БОШҚАРМАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/II да **Этик кийган мушук** (12.00). **Дон Кихот** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/II да **Чоллар ва кампирлар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/II да **Тимасин соз** (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа. «ЎРГАТИЛГАН БЎГМА ИЛОН ВА ТИМСОҲЛАР»** аттракционининг гастроллари.

КЕБ ҚОЛИНГ, ЎҒИТГА

ЁКИ УШОВИДАН ТУШОВИ ҚИММАТ БИР КОРХОНА ҚИССАСИ

ФЕЛЬЕТОН

Яшириб нима қиламан, ука, яширгани билан ўзи ранг кўр, ҳол сўр бўлиб турибди-ку. Молимиз ёқмаган бўлса, ўзимизга тан. Зўрлаганим билан фойдаси бўлармиди. Олсангиз ҳам, олмасангиз ҳам ихтиёр ўзингизда. Аммо менинг аҳволимга ҳам тушунинг-да. Қулдан тепа бўлмайди, дейишарди, тепа тугул бутун бошли тоғ бўлиб кетди-ку, бу аҳлат куюб кетгур. Тўрт томонга зир югурганим билан бир қўлдан сира товуш чиқаролмапман. Ердам сўраб таклиф этмаган идорам қолмади. Қаерга борсам ҳам «бозорингни ўзинг қил, тегирмонингни ўзинг тортэ»дан бошқа гапни эшитмайман. Ҳа, шунақа. ука, бошимни қаёққа уришимни билолмай қолдим.

Ўғит баҳона заводимизга бир келиб қолган экансиз, нега энди бу одам етти ёт бегонага дарди ҳасратини тўкиб қолди, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз-а? Йўқ, ажабланманг, менинг ўрнимда бошқа одам бўлганида тарс ёрилиб кетармиди. Мен ҳам ҳар замон-ҳар замонда дуч келган одамга юрагимни бўшатмасам, сира енгил тортмайдиган бўлиб қолганман. Ҳув анави тепа бўлиб ётган 20 минг тонна ўғитни кўряпсизми, ҳозир юрагимни эзиб ётган дардлардан биттаси ана ўша. Келинг, одамнинг тафтини одам олади, бир зум ўтириб дардимга қулоқ солинг, жуда тўлиб турибман, эора енгил тортсам.

Сиздан бекитмайман, заводимиз қурилаётган пайтларда «Тошкентдай шаҳри азимнинг аҳлату чиқиндиларини қайта ишлаб биноийдай ўғит тайёрлаб берармиш, шу завод туфайли шаҳардаги ҳовли-ю кўчалар ёғ тушса ялагудай бўлармиш, районлардаги «Автодормехбаза»ларнинг иши ҳам йўлга тушиб, шоферлари аҳлат тўкиш учун пана-пастқам жойларни қидириб юришдан қутилармиш», деган овозалар тарқалганди. Шунинг учунми, қурилишнинг ўзига 4,7 миллион сўм сарфланиб, тўрва қоқди бўлиб қолганимизда республика Коммунал хўжалик министрлиги жон-жон деб «заводни қайта тузатиш ишларига ажратган пулимиз йўқ» деган оҳангда ярим миллион сўмни қўш қўллаб ажратиб берган эди. Арпа эккан арпа, буғдой эккан буғдой оларкан. Шошқалоқлик қурсин, ҳа бўл, ҳа бўл билан битиб қолган завод тезроқ ишга туша қолсин деган мақсадда ҳатто синаб ўтирмасдан ҳам қабул қилиб оларишди. Корхонанинг ўйдим-чуқур жойга қурилгани билан ҳам, ҳар биттасининг сиғими 400 кубометрли тўртта биобарабану аҳлат ва чиқиндиларни майдалаб минг бир бўлак қилиб берадиган тегирмонинг аҳволи келгусида нима кечиши билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмади. Ҳамманинг дарди хаёлида корхона дарвозасига тортилган қизил лента қирқилса-ю завод деган шу кунинг ўзидаёқ шақиллаб ишга тушиб кетса.

Ҳа, ишга тушиб кетди ҳам. Аммо кўп ўтмай ҳам боши, ҳам думи билан шўнғийдиган ўрдакнинг куни бошимизга тушди. Завод қурилган жой нобоп эканми, ё пойдевори пайд бердими, ишқалиб бояги тўртта биобарабаннинг биттаси ерга чўкиб кетди. Аҳлат майдалайдиган тегирмон ҳам ишлар-ишламас тақа-тақ тўхтади. Ана шундан кейинги томошани кўринг. Шаҳардаги Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе районларининг «Автодормехбаза»лари заводимизга ҳом ашё етказиб бериши зиммаларига олишган эди. Тўйдан олдин чалинган ногорага ишонib, ички ишларини ҳам шунга мослаштириб қайта тузиб чиқишган экан. Завод ишлаганда ишлаб, ишламаганида без бўлиб турганидан кейин уларнинг ҳам плану режалари чиппакка чиқди. Ҳар куни эрталаб дарвоза олдида иккиуч соатлаб навбат кутиб қоладиган аҳлат машиналарининг гат-гути билан шоферларнинг бақириқ-чақириқларини эшитмабсиз. Шу денг, кўрмай ҳам, куймай ҳам, деб қулоқни чиппа беқитиб ўтирадиган бўлиб қолдик. Шоферларнинг омади келгани юкини бўшатиб, омади юришмагани эса ахлатини тўккани пана-пастқам жойларни қидириб кетадиган бўлишди. Заводга танда қўйган «Автодормехбаза» идоралари билан шаҳар санэпидстанцияси ходимларининг эса сон-саноғи йўқ. Нимасини айтасиз, аввалига уларнинг дўқ-пўписаларидан қўрқиб хўп бўлади, заводни тез орада тўла ишга тушириб юборамиз», деб ваъдани қуюқ қиладилар. Ҳар куни шу аҳвол такрорланавергандан кейин одамнинг бети қотиб, гап ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қоларкан. Танқиду дўқ-пўписалар этимизни ўлдириб қўйди. Ана шундан кейин заводга келаётган шикоятларнинг оқими ўзгариб бошқа ташкилот ва идораларга борадиган бўлди.

Томчи тошни тешаркан. Юқори ташкилотларнинг сабр косаси тўлди шекилли, охири ўн бир кишилик комиссия тузилди-да, корхонадаги барча ускуналар экспертизадан ўтказиб чиқилди.

— Энди кўп ташвиш тортаверманг, Виталий Зиновьевич, — дейишди улар қўлимга уч варақли қоғозга битилган экспертиза протоколини топширишар экан. — Кўп юргандан сўраманг, кўп кўргандан сўранг, деган гап бор. Комиссиямизда кўпин кўрган экспертлару «Гипрокоммунстрой» вакиллари, ҳатто «ВНИИКкоммунмаш» лабораториясидан ҳам мутахассислар бор. Шуларнинг фикрини жамлаб, қилинадиган ишларнинг рўйхатини тузиб чиқсангиз, марра сизники. Қалай, маъқулми?

Саволни қаранг, заводингизни юргизиб берамиз, деб ваъда беришармишу бизга маъқул тушмасмишми. Шу денг, ўша тадбирларнинг рўйхатини 1978 йил 30 июнда тузиб чиқиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети тасдиғидан ўтказиб олдик. Рўйхатга янги тегирмон — майдалагич борми, «Циклон» деган қуритгич борми, ахлат қуйдирадиган ускуналару биобарабанларга винтли паррак ўрнатиш борми, чўкиб қолган барабаннинг пойдеворини мустаҳкамлаш борми, хуллас 23 моддадан иборат сира кечиктириб бўлмайдиган энг муҳим вазифаларни тиркаб қўйдик. Қўйингчи, шу ишларга яна 225 минг сўм сарфланадиган бўлди. Тадбирларнинг бажарилиш муддати билан мутасадди ташкилотлар ҳам белгилаб қўйилди. Агар шу ишларнинг ҳаммаси амалга оширилса, 1979 йилнинг биринчи қуниданоқ завод тўла қувват билан ишга тушиб, чиқарилган маҳсулот колхоз ва совхозлар ўртасида қулоқ чўзма бўлиб кетиши нақд эди.

Афсус, тўйдан олдин қоғора чалган эканмиз. Гапдан гап, чўпдан хас чиққандай, орадан бир ярим йил ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳамон ўша эски ҳаммом, эски тослигича турибди. 23 моддали ишларнинг 11 моддасигина бажарилиб, қолганига ҳали қўл урилгаича йўқ. Уни зиммасига олган мутасадди ташкилотлар эса оғизларига талқон солгандай писиб кетишди. Шуни айтадилар-да, билганда лапар, билмаганда дардисар, деб.

...Кўп гапириб сизни зериктириб қўймадимми? Ҳа, энди ўзингиздан қолар гап йўқ, жуда тўлиб кетиб дардимни кимга дастурхон қилишни билмай ўтирган эдим. Нима, биобарабан билан тегирмон-майдалагичлар нима бўлди, деб сўраяпсизми? Нима бўларди, на дон, на somon. Ҳар бири 230 минг сўм турадиган барабанларнинг ишлаганда иккитаси, ишламаганда биттаси юриб турибди. Аммо тегирмоннинг «без» бўлиб турганиишимизнинг белига тепяпти. Майдаланмаган ишша ва чиқиндилар элакдан ўтмай, шу ҳолича «тайёр» маҳсулот бўлиб конвейердан тушяпти. Айтсам, балки ишонмассиз, уч йилнинг ичида ишлаб чиқарилган 23,7 минг тонна ўғитдан фақат уч минг тоннасини сотолдик, холос. Уни ҳам колхоз ва совхозлар эмас, ўзимизнинг ободонлаштириш бошқармамиз ташиб кетди. Қолган 20 минг тонна ўғит ҳув ана, тепа бўлиб ётибди.

«Фойда нима бўляпти» деяпсизми? Фойда қаёқда. Давлатдан йилига 450—500 минг сўм қарз олиб ишлаяпмиз-ку. Ҳозир қулоғимизгача қарзга ботганмиз. Ҳар йили 140—150 ишчи ва ходимга 250 минг сўм атрофида маош топиб беришнинг ўзи бўладими. Яхшиямки, корхонамизнинг номи эксперименталь завод, шуниси бироз жонимизга оро киряпти, бўлмаса...

Келинг, гапни ҳам чўзиб юбордим, яна завод директори Виталий Гейфман мунча эзма бўлмаса, деган хаёлга бориб юрманг. Энди аҳволимизга тушунгандирсиз... Хуллас, ана шунақа гаплар. Балки йўқ демай беш-ўн тонна ўғитдан олиб кетарсиз. Бир чеккаси ёнаётгани билан устидаги ойна, тош ва чиқиндиларга парво қилманг, нархидан ютганингиз қолади. Ўзи ҳам унчалик қиммат эмас — тоннаси атиги 7 сўм 50 тийин... Келинг, йўқ демай ола қолинг. Етти сўм қаерларда қолиб кетмайди. Ҳар ҳолда, молини харидорга ўтказибди, деган гап тарқалади-ку. Аргамчига қил қувват бўлганидай, шуниси бизга мадад бўлар. Розимисиз?.. Ҳа, майли, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Дарди ҳасратимизни зериккай эшитганингиз учун раҳмат. Зора шу гаплар Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети билан заводнинг кемтик жойларини тўғрилиб беришни зиммасига олган республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги ва «Главташкентстрой» раҳбарларининг қулоғига етсаю бизнинг ҳам кўксимизга шамол тегса... Хўп, хайр бўлмаса, келиб туринг.

Суҳбатни оққа кўчирувчи:

Рафиқ ТУРСУНОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; Б